

Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар асло доғда қолмайди.



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 25-fevral, shanba № 16 (8457)

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА – САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ОМИЛИ

Аёл зоти ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди, суякли ёр ва меҳрибон она бўлишни истайди. Бунинг асосий омили эса соғлиқдир. Соғлом аёлнинг юзи тиниқ, қадди-қомати келишган, руҳи тетик бўлади. Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар баркамоллиги, турмушдаги меҳр-муҳаббатда ҳам бу муҳим ўрин тутаяди.

Хотин-қизлар учун бахту саводат мезони бўлган ушбу жиҳатларга эришишда спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, бадий гимнастика билан шуғулланиш уларнинг гўзал ва соғлом бўлишига ёрдам беради, юриши ва ҳаракатларига назокат бағишлайди. Бадий гимнастиканинг мусиқа билан ҳамоҳанглиги инсоннинг маънавий дунёсини бойитаяди, дидини тарбиялайди.

Энг муҳими, спорт билан шуғулланган қиз соғлом бўлади, келгусида соғлом болаларни дунёга келтиради. Уларни ҳам спортга жалб қилади, соғлом ва баркамол этиб вояга етказаяди. Бу бутун жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, миллат генофондининг яхшиланишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 10 февраль кунини Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, қизларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлодининг муҳим омили эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, хусусан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришда, аввало, ана шу мезондан келиб чиқиб иш тилишда. Қизларни спортга жалб этиш борасида алоҳида эътибор ва ёндашув шаклланди, зарур шарт-шароит яратилди. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, олий таълим муассасаларида аёл ўқитувчи ва мураббияларни тайёрлашга кенг ўрин берилаятир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётир. Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

(Давоми 15-бетда.)



### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ФАРЗАНД КАМОЛИНИ КҮРИШ БАХТИ**

Ёхуд ота-оналар мажлиси учун мавзу

3-бет

**ИПНИ УРГАТМОҚ ГАВҲАР ЭКМОҚДИР**

5-бет

2012-yil — Mustahkam oila yili

**ОИПА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ**

8—9-бетлар

**«ЎРТОҚ, РУЧКАНГИ БЕРИБ ТУР!»**

Ёхуд биз — талабалар масъулиятини қай даражада ҳис этаёلمиз?

10-бет

### Жорж КРОЛ:

## АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбири АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Жорж Крол билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, аввало бугунги кунда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари қандай ривожланаётгани ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— АҚШ билан Ўзбекистон муносабатлари тобора изчил ривожланмоқда, ўзаро ҳамкорлик барча йўналишларда кенгайиб бормоқда. Давлатларимиз хавфсизлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар каби кенг қўламли масалаларни қамраб олган мулоқотларда янада фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда ўзаро ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантиришнинг

асослари ўз ифодасини топган. Аини пайтда мазкур Декларация муносабатларимизга оид барча масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз дастури ҳамдир. Биз Декларацияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Ушбу жараёнга қўмаклашиш мақсадида, бу борадаги вазифаларни ҳал этишга доир режаларимизни аниқ белгилаб олиш, шунингдек, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш учун 2009 йилда ҳар йили ўтказиб турилувчи икки томонлама маслаҳатлашувлар механизми жорий этилди. Бунинг натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Мисол учун, 2010 йилда, АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида АҚШ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бугунги кунда томонлар ушбу ҳужжатни ҳаётта татбиқ этиш мақсадида ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Жорж КРОП:

## АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан самарали маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур маслаҳатлашувлар икки томон учун ҳам фойдали бўлиб, бундай мулоқотларни мунтазам ва янада кўпроқ ташкил этишимиз лозим. Мамлакатларимизда ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар мавжуд. Биз ўзаро ҳамкорликда бу салоҳиятдан самарали фойдалана бошладик. Эндиги вазифа уни давом эттириш ва кенгайтиришдан иборат.

— Ўзбекистон АҚШдаги бир қатор йирик компаниялар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда «General Motors» корпорациясини алоҳида қайд

этиш лозим. Мазкур корпорация ҳамкорлигида «GM Ўзбекистон» кўшма корхонаси таъсис этилган. Ушбу компания билан биргаликда, шунингдек, 2011 йилда «Женерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» кўшма корхонаси ишга туширилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Ишончим комилки, АҚШ билан Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлиги улкан истиқболга эга. Келгусида Ўзбекистонда нафақат «General Motors», балки АҚШнинг бошқа йирик компаниялари ҳам фаол иш олиб боришига ишонаман. Умуман икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида ҳам ана шундай фикрни айтиш мумкин. Ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнига кўмак кўрсатиш элчи сифатида менинг ва бутун АҚШ элчихонасининг му-

ҳим вазифаси, деб ҳисоблайман.

— Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқаларни изчил ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ҳамкорлигимизнинг мазкур йўналишида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Бир неча йил аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нуфузли делегацияси ташриф билан Вашингтонда бўлди. Жорий йилда ҳам Ўзбекистон парламенти делегациясининг АҚШга ташрифи режалаштирилмоқда. Ўзбекистонда 2011 йилда сенатор Линдсей Грэхем ташриф билан бўлди. АҚШ Конгресси аъзолари ва сенаторларнинг мамлакатингизга ташрифлари янада фаоллашади, деб умид қиламан. Зеро, бундай бевосита алоқалар ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганини 20 йиллиги муносабати билан қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

— Давлатларимиз ўтган йиллар давомида ҳамкорлик борасида ўз зиммасига олган асосий мажбуриятларига содиқ қолган ҳолда, икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни ўзаро ҳурмат руҳида янада ривожлантиришга бўлган интилишини намоён этиб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлиши муносабати билан шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ҳам давлатларимиз, халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик фоярлиги содиқликка асосланган муносабатларимизни ривожлантиришга интилаверамиз.

ЎзА мухбири  
Олим ТўРАКУЛОВ  
суҳбатлашди.

Мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги таълим тизими, нуфузли ўқув юрталари ҳамда марказларида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар билан ёшларимизнинг ақиндан таништириш мақсадига ташкил этилган «Таълим ва карьера» еттинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини аяқулади.

*Xalqaro ko'rgazma*

## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Уч кун давом этган кўргазма давомида «World of Education», «Inter-Excel Advisory Sdn Bhd» компаниялари, Sunway university, Thompson Rivers university, Турин политехника университети, М.Ломносов номдаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали, Тошкент темир-йўл муҳандислари институти каби нуфузли олий ўқув юрталари ҳамда «Five continents», «ST Mare's school», «Карьера», «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари фаолияти ва имкониятлариға қизиқувчан ёшлар кўпчилигини ташкил этди. Жумладан, Малайзиядаги «Inter-Excel» ўқув курсида ўттизга яқин ёшлар таълим олиш ниятида эканликларини билдиришган.

Таъкидлаш лозимки, халқаро ўқув юрталаридан ўз таълим муассасасини ўзбекистонлик ёшларга таништириш мақсадига келган мутахассислар юртимиз ёшлари касб-ҳунар коллежларида деярли барча мутахассислик бўйича чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлганликлари, бу каби ёшларни таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш ҳар қандай ўқув муассасаси учун манфаатли эканлигини айтиб ўтишди.

— Ўқув даргоҳимизда банк иши ва молия, ахборот технологиялари, туризм ва бошқарув, бизнес ва маркетинг йўналишларида таълим бери-

лади, — дейди Сингапур менежментни ривожлантириш институти вакили Ҳамида Зуфарова. — Эътиборлиси, институтни тамомлаган мутахассисларга Southern Cross University, Wales University ва Bradford University дипломи даражасига тенг ҳужжат берилади. Бу эса халқаро доирада тан олинадиган дипломдир.

Кўргазма якунида иштирокчиларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик. Ёшлар ижод саройидаги гавжум ёшлар орасида халқаро ўқув марказлари таълим тизими билан танишган Дилафруз Нортажиеванни суҳбатга тортидик.

— Зангиота туманидаги 45-мактабнинг 9-синфида ўқийман, — дейди у. — Ушбу тadbир хабарини эшитиб, онам билан бирга бу ерга келдик. Албатта, мактабни битиргач, қайси академик лицейда ўқишни давом эттиришим ҳақида аллақачон аниқ қарорга келганман. Лекин бу ерда қўшимча таълим олишим мумкин бўлган яна бир талай ўқув марказлари билан ҳам танишдим. Ҳозирча бизга «United International College» ташкилотининг пойтахтимиздаги филиалида болалар учун махсус курслар мавжудлиги маъқул бўлиб турибди. Марказда чет тилини мукаммал ўрганиш мумкин экан.

Шоира БОЙМУРОДОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## КУЧЛИЛАР БАҲСНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Махлиё Тургунова Жиззах шаҳридаги 10-мактабнинг 6-синфида ўқийди. У она тили ва адабиёт фани бўйича Билимлар беллашувининг мактаб босқичида фаол иштирок этиб, шаҳар миқёсида ўтказилган беллашувга йўлланма олди. 2-босқич синовида ҳам иқтидорли ўқувчи устозлар ишончини оқлади. Барча синов ва топшириқлардан 83 балл тўплаган ҳолда биринчи ўринни қўлга киритишга эришди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтаётган Билимлар беллашувининг ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, истеъдодини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жиззах шаҳридаги 3-мактабда бўлиб ўтган синовлар-

нинг шаҳар босқичида барча фанлар бўйича 802 нафар ўқувчи ўзаро куч синашдилар.

Билимлар беллашувини юксак савияда ўтказиш, ошқоралик ва холисликни таъминлаш мақсадига тadbирга таълим муассасалари ходимлари билан биргаликда кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ҳам тақдир этилди. Якуний тахлилларга кўра 38 нафар иқтидорли ёшлар Билимлар беллашувининг 3-босқичида иштирок этишга йўлланма олдилар.

Кўчлилар сафида бўлиш осон эмас. Дарс ва машғулотларда ўзини кўрсатган юксак салоҳиятли ўғил-қизлар ана шундай шарофат муяссар бўлдилар.

А.СОДИҚОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

### «Bilimlar bellashuvi»

Билимлар беллашувининг иккинчи (туман) босқичи Наманган вилоятида ҳам алоҳида ташкилотчилик ва тайёргарлик остида бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган назорат иши материаллари белгиланган талаблар асосида худудларга етказилиб, таши-

лий кўмита томонидан экспертлар хулосаларига кўра беллашувга тadbир этилди. Tadbir мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, ота-оналар вакиллари, тажрибали устоз-мураббийлар ҳам иштирок этиб, синов жараёнларини кузатиб бордилар.

Шу йилнинг 19 февралда бўлиб ўтган Билимлар беллашувининг иккинчи босқичида 16630 нафар ўқувчи 15 та фан

бўйича синовда қатнашди. Улардан 438 нафари юқори натижаларга эришиб, беллашувнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Эндиликда, билимлар беллашувининг учинчи босқичини ўтказишга пухта тарадуд қўрилмоқда.

Абдулхай ЖўРАБОВЕВ,  
вилоят халқ таълими  
бошқармаси мутахассиси

## ЎТКИР ЗЕҲЛИ ҚУВНОҚ МАТЕМАТИКЛАР БАҲСИ



Ҳаётнинг турли жабҳаларида математик билимларга эҳтиёж сезамиз. Қурилиш соҳасими, саноят ишлаб чиқариши ёки маи-

ший хизмат кўрсатиш соҳасими, барчасида математик ҳисоб-китоблар муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, бу фаннинг барча

асорларини кичик синфларданок чуқур эгаллаш ўқувчининг келажаги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимиздаги 235-мактабда февраль — математика ва информатика фанлари ойлиги доирасида бўлиб ўтган 5-синфлар ўртасидаги математик беллашув ҳам юқоридаги мақсадларни ўзида мужассам этгани билан эътиборлидир.

Маҳоратли математика фани ўқитувчилари Доно Тожибоева ҳамда Мадина Куйлиева томонидан ташкил этилган мазкур мусобақа дарси ноанъанавий тарзда — қувноқлар ва зукколар ўйини тарзида ўтказилди. Қизиқarli ва муросасиз баҳслар ўқувчиларнинг математика фанидан чуқур билимга эга бўлиб бораётганлиги ва ўтқир зеҳнидан дарак бериб турарди.

Б.РИЗОКУЛОВ  
олган сурат.

Келажак авлоднинг маънавий-маърифий тарбияси таълим тизимида алоҳида эътиборга олинади. Зеро, бугунги ахборот цивилизацияси даврида ёш ўғил-қизларимизнинг онгига бўлаётган мафкуравий хуружлар тобора кўпайиб, кучайиб бормоқда.

Мамлакат ёшларини ёт мафкуралардан ҳимоя қилишда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, вояга етмаганларнинг мафкуравий хуружлардан биринчи галдаги ҳимоячиси уларнинг ота-онаси (ёки уларнинг тарбиясига жавобгар яқин кишилари) саналади. Шунинг учун ҳам ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, бунда катталар масъулияти ва дунёқароши қандай ўрин тутиши кераклиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга, ота-она назорати ёшларнинг ўз мустақил фикрига эга бўлишига соя солиб қолмаслигини ҳам ёки фарзандларимизнинг эркин фикрли бўламан, деб ўзбошимчиликка йўл қўймасликларини ҳам инобатга олиш зарур.

даражада, ота-оналари уларнинг тарбиясига қанчалик эътиборли, улар ўз ота-оналаридан ҳаётда учраши мумкин бўлган турли зарарли иллатлардан ҳимояланиш учун қандай муносабат кутишаётганини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказдик. Унга кўра, 100 фоиз респондентнинг 48 фоизи ота-оналари уларни доимий назорат қилиб боришларини, маълум бир билимлар бўйича савол-жавоб ўтказиб, муаммоли масалалар бўйича фикр алмашиб туришларини билдиришган. 32 фоизи эса ота-оналари уларни тўғарақларга илҳомлантиришларини, хориж тилларини ўрганишга шароит яратиб беришларини айтишган. Қолган 5 фоизи интернет тармоқларидан фойдаланиш имконияти яратиб берилишини, 3 фо-

рок этишда мураккаб-ликлар ва

чалкашликларнинг анчагина олди олинади. Чунки бугунги кунда жамяят ва давлатдаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турувчи урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмасдан воқеликка муносабат билдириш нотўғри фикрлар шаклланишига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамятини барпо этишда ҳар бир кишининг билимли бўлиши, айниқса, олган билимларига амал қилиши муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бу борада таълим муассасаларининг таъсири бекиёс. Айниқса, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим,

**Fikr, mulohaza, taklif**

шу ерда эътибор қаратилиши лозим бўлган нозик бир жиҳат бор. Яъни, айтилик, ота-оналарнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш эҳтиёжи туғилган. Болалар иштирокидаги тадбирда айнан ҳуқуқий билимларни ўз ичига олган саҳна кўринишлари ва илмий мунозаралар ота-оналар эътиборига ҳавола этилади. Фарзанди тилдан эшитган бирор билим ёки янги тушунчани ота-она ҳеч қачон эсидан чиқармайди ёки беъэтибор қолдирмайди. Шунингдек, бу каби тадбирларни вояга етмаган ёшларни қаровсиз, назоратсиз қолдиришининг оқибатлари мавзусида ҳам ташкил этиш мумкин.

Алоҳида тартибда ўтказиладиган мажлисда эса мактабнинг ижтимоий фанлар бўйича ўқитувчилари ўқув йили дастуридан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга уларни қизиқтирган мавзунини беради ва мавзуга оид қўшимча маълумотлар топиш ва буклет тайёрлаш вазифасини топширади. "Ота-оналар мажлиси" кунига қадар белгиланган мuddат ичида вазифани бажариб келган ўқувчи тегишли тартибда рағбатлантирилади ва ўқувчи тайёрланган буклетларни йиғиб, тадбирга тайёргарлик кўради. "Умумий тартиб" босқичидаги байрам дастурининг бир қисми сифатида ўқувчилар томонидан тайёрланган буклетлар ўқувчиларнинг ўз ота-оналарига топширилади ва бу буклетлар уларнинг ўз фарзандларининг меҳнати самараси эканлиги таъкидланади. Ушбу буклетларда ота-она фарзанди учун бир кунда қанча вақтини ажратиши лозимлиги, боладаги ўзига хос истеъдод қирраларини қандай англаш ва уни такомиллаштириш мумкинлиги ҳақида мутахассислар фикрлари жамланган бўлиши мумкин. Бу каби ота-онага таъсир усуллари, албатта, самара беради. Тарқатилган буклетларни ота-оналар бир бора бўлса ҳам кўздан кечириб чиқади. Гарчи бу жараён оддий кўринса-да, фарзанди меҳнатдан фахр туғусини ҳис қилган ота-она, албатта, улар олдидаги масъулиятини такрор ёдга олади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ота-оналик бурчи бу — нафақат болани моддий таъминлаш, балки уни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ҳамдир.

Олимжон СЕВАРОВ,  
Республика "Оила" илмий-амалий маркази илмий тадқиқотчиси

## ФАРЗАНД КАМОЛИНИ КЎРИШ БАХТИ

ёхуд ота-оналар мажлиси учун мавзу

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритарканмиз, албатта, боланинг ёш хусусиятини инобатга олиш зарур. Чунки, 13—17 ёшлардаги вояга етмаган ёшлар ота-оналарининг доимий терговни остида бўлиши хушламайди. Болаларнинг ёш хусусиятларини, истак ва қарашларини инобатга олмаслик, нотўғри мулоқот оқибатида низолар келиб чиқиши ҳам ҳаётда тез-тез кузатилади. Аммо бу борада кўпчилик ота-оналар етарли даражада тушунчага эга, дея олмаймиз.

Ҳар қандай замону макон ва ундаги муҳитнинг таъсири бола тарбиясида яққол намоён бўлади. Бола улғаяр экан, унинг тарбиясида ўз оиласи билан бир қаторда, кенг жамоатчиликнинг таъсири ҳам кучли сезилади, яъни бола воқеликда юз бераётган жараёнлар билан бевосита ёки билвосита муносабатга киришади. Унда маълум бир ижобий ёки салбий характерга эга маълумотлар базаси шаклланади. Аксарият ҳолларда фарзандлар маълумот йиғишда ота-оналаридан ўзиб кетаётганини кузатишимиз мумкин. Бироқ боланинг катта камчилиги шуки, у тўплаган маълумотларининг қай бири фойдаланиш, қай бири зарарли эканлигининг кўпича фарқи боравермайди. Ундаги маълумотлар қачонлардир ўз эҳтиёжларини қондиргани боис бола учун фойдали туюлади (аслида эса ўша маълумотларни ҳам соғлом мулоҳаза қилиб қабул қилиш ёки қилмаслик мумкин). Ота-она ва оиладаги катта ёшдагилар ўз ҳаёт тажрибалари-

га асосланиб, фойдали ва зарарли маълумотларни ажратишга нисбатан уқувли бўлишади. Агар бола ўзи фойдали, деб билган нарсага ота-она томонидан кескин инкор қилинса, бу ҳолат, фарзанд ва ота-она ўртасида маълум зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, ота-онанинг ўз фарзанди билан давомли, секинлик билан тушунтириш орқали суҳбат қуриб туриши ана шундай кескинликнинг олдини олади. Ота-она фарзанди дунёқарашда, фикр-уйида нотўғри тушунча томир отаётганини пайқабган ҳақида у билан бафуржа, ҳар иккала томон ўз қарашларини ўртага ташлаб, муҳокимага қўйиб, ақл мезонларига солган ҳолда тўғри тўхтамга келишлари мақсадга мувофиқ. Болалардаги ҳаётга қизиқиш, уларда "билиман" деган тушунчанинг юқори бўлиши ҳам ёшларига хос хусусиятидир. Катталар тажрибаси ва ёшлар шижоати-ю, қизиқувчанлигини уйғунлаштирувчи куч бу — билим, тафаккур ва доимий мутолаадир. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг мунтазам мутолаа билан машғул бўлиши жамяят интеллектуал салоҳиятига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда вояга етмаган ёшларнинг ота-оналаридан талаби қай

изи эса оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилаётган зарурий янгиликларни таҳлил қилиб беришларини айтган.

Гувоҳи бўлганимиздек, халқимизнинг кўп асрлик қадриятларига ҳамоҳанг ўларок, бугунги аксарият ёшларимиз ҳам ота-оналарининг ўзларининг тақдирига, эртанги ҳаётга қандай инсон бўлиб қадам қўйишларига бефарқ бўлмасликларини хошлашади. Бу қувонарли ҳол, албатта. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳати борки, бу — фарзандлари тақдирига эътиборли ота-оналарнинг қай даражада билимлилиги, дунёқароши ва уларнинг «болага нисбатан бефарқ бўлмаслик» тушунчасига қандай ёндашишидир. Бу ўз-ўзидан ота-онадан маълум бир билимларга эга бўлишни, мавжуд воқеликдан хабардорлиқни талаб этади. Ота-она маълум бир воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикрини билдириши мумкин, бироқ билдирилган фикр қанчалик тўғри ёки унинг моҳиятини қанчалик очиб беради, ҳамма гап ана шунда.

Кенг дунёқараш ва билимга эга ота-она эса билдираётган фикрини исботлашга ҳаракат қилади. Агар, воқеликка муносабат билдиришда ота-онада етарли ёки қисман бўлса-да, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, сиёсий билим бўлса, уни ид-

ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими каби узлуксиз таълим босқичлари вояга етмаганлар тарбиясида бирламчи аҳамият касб этиб келмоқда. Бу борада талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Худди шунингдек, бу борада ота-оналар тушунчаларини шакллантиришда таълим муассасалари таъсирини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш вояга етмаганлар тарбиясидаги муаммоларнинг ечими сифатида ўртага чиқаяпти. Шунинг учун ҳам бугун таълимда нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналарига эътиборни янада ошириш масаласи ҳам долзарблик касб этмоқда. Имкон қадар таълим муассасаси фаолиятида ота-оналар аудиториясини ҳам қамраб олишга эришиш давримиз талабларидан биридир.

Айтайлик, бу борада "Ота-оналар мажлиси"дан педагогик маҳоратни тўлиқ ишга солган ҳолда фойдаланиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун бир қанча вазифаларни амалга ошириш зарур. Масалан, "Ота-оналар мажлиси" икки босқичда — умумий ва алоҳида тартибда ўтказилади. Умумий тартибда ўтказиб — байрам кўринишида бўлиб, унда мактаб маъмурияти томонидан ўқувчилар иштирокида ота-оналар учун 1 соатлик байрам тадбири ташкиллаштирилади. Мана



## Yangiliklarda Yurt nafasi

❖ Наманган туманида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Тадбирда худудда фаолият кўрсатаётган 30 корхона ва ташкилот, муассаса ва фермер ҳўжаликлари 335 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлардан 125 нафари ўз мутахассислигига мос иш топиб; тегишли меҳнат жамоаларига ишга кириш учун йўланма олди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ижтимоий муҳофазанинг энг муҳим омили сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Шўҳратжон Қозиев. — Бандлик дастури доирасида ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари яхши самара бермоқда. Жорий йил бошида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида етмиш корхона, ташкилот ва муассаса 568 бўш иш ўрни билан иштирок этиб, унда 285 киши, жумладан, касб-хунар коллежларини битирган 120 нафар йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлган эди.

Наманган туманида 2011 йил мўбайнида олти марта шундай тадбир ўтказилди. Уларда кўплаб фуқаролар, шу жумладан, етти юз нафардан зиёд аёл ва ёшлар ишли бўлди.

## ❖ Шахрихон туманида замонавий талаблар асосида тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги ташхис маркази иш бошлади.

— Марказимизда АҚШнинг "Jeneral elektrik" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий, энг сўнгги русумдаги компьютер томография аппарати орқали барча касалликлар бўйича юқори аниқликда ташхис қўйиш имконияти яратилди, — дейди олий тоифали шифокор Абдумажид Раҳимов. — Касалликни аниқлаш учун бир-икки дақиқа кифоя қилади. Аниқ ташхис эса хасталикни ўз вақтида ва самарали даволашда муҳим аҳамиятга эга.

Марказда тиббиёт ходимлари ва беморлар учун барча қулайликлар яратилган.

## ❖ Термиз шаҳрида Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" ҳамда "Таълим грантлари ва иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" мавзуларига бағишланган семинар ўтказилди.

Республика "Меҳр нури" жамғармаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган семинарда Туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, тадбиркор ва фермер аёллар, иқтидорли талабалар иштирок этди.

Республика "Меҳр нури" жамғармаси ҳам ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида хайрия фаолиятини амалга ошириб, аҳолини, ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўп фарзандли, кам таъминланган оилалар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Соғлиқни сақлаш тизими, умумтаълим ва ёш авлод тарбияси билан шўғулланганидан бошқа ижтимоий муассасаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишмоқда. Оилавий ва аёллар тадбиркорлиги ҳамда истеъдодли ёшлар моддий қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда жамғарма грантларидан янада самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## ❖ Яққасарой туманидаги 91-умумтаълим мактабида "Зулфия шеърлари шайдосиман" мавзусида ўқувчи-ёшларнинг шеърхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси методика маркази ҳамда Яққасарой туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда она тили ва адабиёт фани ўқувчилари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилган эътибор, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун қилинаётган ишлар, яратилган имкониятлар борасида сўз борди. Ёш оқила ўзбек қизларининг иқтидорини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган "Зулфия" мукофоти ҳамда пойтахтнинг сўлим ғўшасида Зулфия монументининг барпо этилганиги мамлакатимизда шоира ижоди ва ҳаётининг эъзозланишидан далолатдир.

Кечада шоира шеърлари ва таржимонлик соҳасидаги изланишлари ақс этган саҳна кўринишлари ва бадиий чиқишлар намойиш этилди. Зулфия ҳаёти ва қолдирган адабий меросига бағишланган китоб, рисола ва мақолалар намойиш этилган кўргазма йигилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

# АХБОРОТ ХИЗМАТИ

## у семинар усулида такомиллаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузасидан келиб чиқадиган вазибаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЕХҚТ, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорлигида 2011 йилда «Амалга оширилаётган ислохотлар очкилиги ва ошқоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари салоҳиятини такомиллаштириш масалалари» номи икки йиллик лойиҳа ишлаб чиқилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари ахборот хизматлари ишини ва ходимлар салоҳиятини такомиллаштириш, веб сайтлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ОАВ билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш,

## Anjuman



аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга ахборотдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш лойиҳасининг бош мақсади ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида лойиҳа доирасида иқтисодий тармоқ-

лар матбуот хизматлари ходимлари учун семинар ўтказилди.

Семинар ишида «Матбуот хизматларининг ОАВ билан самарали ҳамкорлиги», «Интервьюга тайёрланиш усуллари», «Матбуот анжумани ўтказиш», «Пресс-релиз, анонс, маълумотнома тайёрлаш», «Матбуот-брифинг» мавзуларидаги мустақил амалий ишлар намойиш этилди.

Йил давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви ахборот хизмати ходимларидан 60 нафарини ўқитиш режалаштирилган. Улар учун ҳоржий экспертлар иштирокида 3та семинар-тренинг ва давра суҳбати ташкил этилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## КУТУБХОНАЛАР ИШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Фарзандларимизнинг келгусида қомил ва етук кадр бўлиб етишишида ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг ўрни беқийс. Шундай экан, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, китобхоналарга қулайлик яратиш мақсадида тўлиқ матли электрон кутубхоналарни ташкил этиш долзарб вазибалар сирасига қиради. Республика болалар кутубхонасида «Халқ таълими тизимидаги ахборот-ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналарида электрон кутубхона ташкил этиш» мавзусида семинар ҳам айнан шу мақсад чуқур таҳлил этилди.

## Seminar



Республикадаги барча вилоят АРМ ва мактаб кутубхоналари мутахассислари семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011—2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс

хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижроси ҳамда намунавий низоми билан яқиндан танишишди.

— Электрон кутубхоналарнинг хизмат кўрсатишдаги сифати ва тезкорлигини ошириш учун ходимлар малакали, тажрибали бўлиши лозим. Бугунги семинарда кутубхона мутахассисларига электрон кутубхона билан ишлаш бўйича тавсиялар берилди. Кутубхонамизда 200га яқин электрон шаклдаги манба ҳамда 800га яқин CD, DVD форматдаги дарсликлар, сиёсий ва бадиий адабиётлар мавжуд. Шунингдек, Kitob.uz сайти орқали китобхонага кенг қулайликлар яратилган, — дейди кутубхонанинг жаҳон ахборот-ресурслари ва янги технологиялар бўлими бошлиғи Хуршида Исҳоқжона.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

## МАТЕМАТИКАДАН ИЖОДИЙ ИШ ЁЗИБ КЎРГАНМИСИЗ?

Бу саволга кўпчилигингиз йўқ, деб жавоб берсангиз керак. Чунки, математикадан назорат иши, мустақил ишларини бажарганимиз. Шайхонтоҳур туманидаги 245-умумтаълим мактаби ўқувчилари ушбу фандан ижодий иш ёзишди.

Математика ўқувчилари Саодат Ёқубова ва Маҳмуд Тожиёва ва ҳаётдан олинган мантиқий саволлар ва масалаларни ўқувчиларга ижодий иш сифатида топширишди. Бунда жавоблардан хатолик изланмайди, балки ўқувчиларнинг масалага қандай ижодкорона ёндашганиги эътиборга олинади. Ушбу усулда ижодий ёзма иш саккизинчи синфлар ўртасида ўтказилганида, ҳар бир ўқувчи масалаларга турлича ёнда-

шиб жуда қизиқарли ечим йўллари топганлиги кўзга ташланди. Туман миқёсида йиғилган услубчилар мазкур тажрибани ижобий баҳрлаб, иш тажрибани мактабларо оммалаштириш мақсадида мувофиқлигини таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам математика фанидан масалалар ечимига ижодкорона назар билан қараш аввало ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради. Шунингдек, фанга қизиқиш уйғотиб, матема-

тика — мураккаб фан, деган эски қараш ўрнини математика — қизиқарли фан деган фойдали тушунча эгаллайди. Натижада математика бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ошади. Бунинг исботини мактабда «Математика, информатика фанлари ойлиги» муносабати билан ўтказилган турфа хил тадбирда кузатди. Чунки, ҳар бир иштирокчи жараёнда алоҳида эҳтибор ва эъқобдорлик билан иштирок этиб, ҳар бир доирасида ҳар бир синфда олиб борилган очқ дарсларда ўқувчилар ҳозиржавобликларини кўрсатдилар.

Шаҳло ЭРХОНОВА

## Феврал — математика ва информатика фанлари ойлиги

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 314-мактабда математика фани ойлиги муносабати билан математик мусобақа ташкил этилди. Унда мактабнинг 8-синф ўқувчилари «Беруний» ва «Хоразмий» жамоаларига бўлиниб беллашдилар. Тадбир аввалида ихссала гуруҳ томонидан фан ойлигига бағишлаб ташкил этилган ижодий кўргазма намойиш этилди.

Шундан сўнг «Билимдонлар беллашуви»га навбат берилди. Унда ўқувчилар қизиқарли мантиқий масалаларни ечиш, математик диктант ёзиш, тест ва кроссворд ечиш бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Мусобақа давомида илм масканининг математика фани ўқувчиси Мавлуда Алимжонаева иштирокчилар томонидан берилган тўғри жавобларни рағбат, нотўғри жавобларни эса жарима қарточкаси билан баҳрлаб борди ва ўз-ўзидан энг кўп рағбат тўплаган жамоа голибикани қўлга киритди.

Шунингдек, тадбир давомида «Энг билимдон ўқувчи», «Энг фаол ўқувчи», «Энг намунали ижодий иш учун» каби номинацияларни қўлга киритган ўқувчилар ҳам рағбатлантирилди.



Ушбу мусобақа ўқувчиларнинг фан ойлиги давомида олган билимларини синовдан ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Одамзод ўз ақлу заковати билан оламини яшнатмоққа қодир эканини аллақачон исботлади. Космосни забт этди. Ўзи бажармоғи мумкин бўлган юмушларни «темир одам»ларга бир ҳаракат билан ҳар эттириш имконларини яратди... Эришилган ҳар бир муваффақиятнинг тағ заминини эса ИЛМ, ўша мактаб аталмиш остоналардан ташланган илк қадамлар, захматкаш муаллимларнинг ҳижолаб ўқитиб, ўқирган билимларининг маҳсули ташкил этади. Ана шундай катта масъуллиқ таълим масканлари зиммасида экан, ўқув даргоҳлари фаолиятини бошқариш ҳам билим, катта тажриба, маҳорат талаб этади. Мактабда раҳбарлиқни «санъат даражасига кўтаришнинг шарофати, айна пайтда юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўқувчининг пухта билимга эга, гўзал одобу ахлоқ соҳиби бўлиб вояга етиши учун хизмат қилувчи муҳитни яратади.

Бугун тинимсиз ўз устингизда ишлаб, давр билан ҳамқадам фаолият юритишга уринмасангиз, тараққиётдан «узилиб» қолишингиз ҳеч гап эмас. Кувончлиси, шундай инсонлар, жамоалар ҳам борки, ютуқларини кенгайтириш баробарида, атрофидагиларга ҳам кўл чўзиб, уларни ҳам олдинги сафларга тортади. Бу билан эса жамиятга янада кўпроқ наф келтиришни ният қиладилар.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 7-умумтаълим мактаби қатор йиллардан буён барча кўрсаткичлар бўйича ҳудуддаги тўқсонга яқин билим даргоҳлари орасида фахрли биринчи ўринда туради. Яқинда фидойи жамоа ажойиб бир ташаббуснинг ижрочиларига айланишди. Яъни, вилоят халқ таълими ходимлари кенгашининг туман ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида методик кўмакка муҳтож айрим мактабларга илгор таълим муассасалари иш тажрибасини татбиқ этиш таклифи ўртага ташланди. Шундан сўнг 7-мактаб жамоасининг таълим самарадорлигини оширишга доир тажрибаларини 21-мактабга татбиқ этиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

— Кенгашдан сўнг туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 21-мактаб жамоасига методик ёрдам кўрсатиш борасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида махсус буйруқ қабул қилинди ва шу аснода чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиди, — дейди 7-мактаб директори Сайёра Усмонова. — Ишни таълим муассасасидаги мавжуд ҳолатни ўрганишдан бошладик. Аввало, эътиборимизни торган масалалар — билим даргоҳи атрофининг ободонлаштирилиши, тозаллиги, синф хоналарининг жиҳозланиши, ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари, компьютерларнинг сақланиши, улардан унумли фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кийиниш маданиятига нечоғлик амал қилинаётганлиги эътиборимизни тортди. Шунингдек, ўқувчиларнинг давомати, билим

# ИЛМНИ ЎРГАТМОҚ ГАВҲАР ЭКМОҚДИР

самарадорлиги, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, ўқувчиларнинг ўзлаштиришидаги бўшлиқларни аниқлаш ва қўшимча машғулотлар ташкил этиш каби муҳим жиҳатлар изчил ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб борилмаганлиги аён бўлди. Илм масканда барча шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, замонавий ахборот технологиялари, лаборатория асбоб-анжомларидан дарсларда самарали фойдаланиш даражаси паст эди.

Касални даволаш учун дастлаб дардни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш даркор, деганларидек, икки мактаб раҳбарияти ва жамоасининг бир ёқадан бош чиқариб ишга киришишлари, қуйидаги масалаларга ечим излаш зарурияти мавжудлигини ойдинлаштирди:

— 21-мактабда 39 нафар ўқитувчи фаолият юритаётган бўлса, улардан бор-йўғи 14 нафари олий, қолганлари эса ўрта махсус маълумотга эга. Муаллимлар орасида ҳеч ким олий тоифага эга эмас;

— туман миқёсида ўтказиб келинаётган турли кўриктанловларда ўқитувчиларнинг қатнашмаслиги, улар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш, очиқ дарслар ташкил этиш, илгор педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш масалалари хусусида қайғурилмаётганлиги;

— фан ойлқларининг талаблар даражасида ўтказилмаслиги, фанлар кесимида ўқувчиларнинг қизиқликлари қараб қўшимча машғулотлар ташкил этилмаслиги ва бу масалалар йиғилишларда муҳокама қилинмаслиги...

— Албатта муаммолар йиғилиб қолган, уларни бартараф этиш учун вақт, катта меҳнат керак эди. Ён дафтарчамга вазифалар кетма-кетлигини қайд

қилиб олдим, — дея сўзини давом эттиради Сайёра опа. — 21-мактаб раҳбарияти ва жамоасининг тажрибаларимизни сидқидилдан ўрганишга бел боғлагани кутилган натижага эришиш учун йўл очди.

— Муассасамиз биноси вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида 2007 йили янгидан қурилган, — дейди 21-мактаб директори Отабек Рашидов. — Демак, бу гам-хўрликка муносиб жавоб қайтариш керак. Менинг раҳбарлик лавозимида иш-лаётганимга ҳали кўп бўлмади. Илгор тажрибаларни ўрганиш нечоғлик зарур

жаларига кўра 66-ўринга кўтарилдик.

— Муассасамизга 7-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Холмурод Сатаев, математика фани ўқитувчиси Шаҳноза Чўтбоева, биология фани муаллимиси Баҳора Усмонова, кимё фани ўқитувчиси Нигина Камолованинг келиб давра суҳбатлари ташкил этиб, саволларимизга жавоб беришлари, очиқ дарслар ташкил этишлари, муаллимларнинг дарсларини кузатишлари мени руҳлантириб юборди, — дейди 21-мактаб ўқитувчиси Исмоил

## Илгор тажриба

— 21-мактабдаги ҳамкасбларимизга амалий ёрдам бериш жараёнида ҳужжатларни юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари, дарс самарадорлигига таъсири хусусидаги тажрибаларим билан ўртоқладим, — дейди 7-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Шаҳло Чўтбоева. — 5-синфларда математика, 7-синфда геометрия фанларидан очиқ дарс ташкил этар эканман, занжир, муаммоли вазият ҳосил қилиш, кластер усулларидан фойдаландим. Янги мавзуну тушунтиришда слайдларни қўлладим. Дарсхонага эринибгина кириб келган ўқувчилар кўп ўтмай ўзларини зийрак тутиб, саволларга бурро-бурро жавоб бера бoshладилар. Улардаги бу қизиқшни кўриб севиниб кетдим. Кейинги дарсни эса ўз ўқитувчилари олиб боришди, мен кузатувчи сифатида қатнашдим. Энг муҳими, ўқитувчиларда иштиёқ, мактабда шарт-шароитлар, имкониятлар, ўқувчиларда эса фанларни ўзлаштиришга қобилият бор...

— 7-мактабга тез-тез бориб турамиз ва ҳар гал нимадир ўрганиб қайтамиз, ўз тажрибаларимизда қўллаб кўрамиз, «ўхшамаса» яна сўраймиз, — сўзида давом этди Отабек Рашидов. — Уларда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган. Маҳалла фаоллари, ота-оналар хоҳлаган пайтда сабоқларга кириши, фарзандининг ўзлаштириши, қизиқиш ва интилишлари билан танишиши мумкин. Шунингдек, иқтидорли болалар билан ишлаш борасида ҳам самарали тажрибалар ўтланган. Бошланғич синфларда куни узайтирилган гуруҳлар ташкил этилган. Бу эса ўқувчиларнинг истеъдодини эрта кашф этиш ва тарбиялаш имконини беради. Мазкур синфларда чорак бошланиши ва якунланиши олдидан ёзма ишлар, тестлар олиниб, таҳлиллардан сўнг ўзлаштирилмаган мавзулар бўйича қўшимча машғулотлар олиб борилади. Тўгарак машғулотлари жиҳдий режа асосида ўтилади. Хуллас, ўрганишимиз, ибрат олишимиз керак бўлган жиҳатлар жуда кўп. Кувончлиси, ўрганилган тажрибалар ёнимизда экани...

... Сўзимиз аввалида табиатнинг гултожи саналмиш инсоннинг яратиш ва бунёдкорликларга қодирлиги хусусида сўз юритган эдик. Тўғри, заминга ҳақиқий маънода гавҳар уруғини сепиб, ундан ҳосил олмоқ хаёлларга кимсиз кашфиётдир. Лекин илм ўргатмоқ, бундан зиёда меҳнат талаб этиши ва зиёда ҳосил бериши ҳақиқат!

Ойбуви ОЧИЛОВА



эканига 7-мактаб билан ҳамкорликда ишлаш жараёнида амин бўлдим. Сайёра опанинг ўттиз йиллик педагогик маҳорати, қарийб ўн йилдан буён раҳбарлик тажрибаси мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. У кишидан бошқарувда ижро интизомига эътибор қаратиш, олиб тақсимотнинг тўғри олиб борилиши, талабчанлик ниҳоятда муҳим эканлигини ўргандим. Дастлаб ижро интизомининг йўлга қўйилганлиги, юқори ташкилотлардан келаятган буйруқларнинг қандай тақсимланиб, ижросини таъминлаш учун қандай йўл тутиш кераклигига доир тушунчаларимни бойитдим. Опа билан бирга ўтириб қатъий назоратда турувчи ҳужжатларнинг тўғри юритилишини ўргандим. «Намунавий дарслар қандай ташкил этилади? Дарс қандай тайёрларлик асосида кузатилиб, таҳлил этилади?» — булар хусусида ундан атрофлича тушунча олишим, айна пайтда методбирлаш-малар фаолиятини йўлга қўйиш ва улар билан ишлашда йўриқнома вазифасини ўтаяти. Утган ўқув йили якунларига кўра муассасамиз 87та мактаб орасида 84-ўринда турган бўлса, қисқа муддат ичида, яъни жорий ўқув йилининг биринчи ярми йиллиги нати-

Умиров. — Масалан, Баҳора Усмонова 8-синфимизда «Одам ва унинг саломатлиги» фанидан «Витаминлар» мавзусида дарс ўтди. Сабоқ авваламбор ўқувчиларни дарсга фаол жалб этиш билан бошланди. Муаллими томонидан бугунги замон тиббиёти, табобат илми янгилликлари, дарслиқдан ташқари манбалар орқали мавзуга дахлдор маълумотлар берилгани бир зумда ўқувчилар қизиқшини, эътиборини тортди. Мен ҳам ўзим учун жуда кўп янгилликларга эга бўлдим. Ўқитувчининг сўзга чечанлиги, касбий маҳорати, дарсда фанлараро боғлиқликни таъминлагани, айна пайтда мавзуну ҳаётий мисоллар билан тушунтиргани, таълим ва тарбияни уйғун олиб боргани унинг ютуғи сифатида кўзга ташланди. Ҳамкасбимнинг дарсини кузатар эканман, дарсини инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтишнинг аҳамиятини ўқувчиларнинг фаоллашганидаёқ кўрдим. Ўзлаштириларидаги бўшлиқ энг аввало, ўқитувчининг укувсизлиги таъсирида юзга келишига ишонч ҳосил қилдим. Ўқитувчи бир неча сабоғи орқали ўқувчи ва ота-оналар хурмати кизонганидан ҳам зарур хулоса чиқардим.

## Mart — kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligi

## AMALIYOT VA TAJRIBALARGA ASOSLANGAN FANLAR OYLIGI

Bugungi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarining tez sur'atlarda rivojlanishi ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya sifatini mazmun jihatidan yuqori bosqichga ko'tarishni talab etmoqda.

**Mart** — kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligida o'quv-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish, o'quvchilarning mazkur fanlarga nisbatan qiziqishlarini yanada oshirish maqsadida umumta'lim muassasalarini fan o'qituvchilari, metodbirlashma a'zolari, shuningdek, tuman (shahar) xalq ta'limi muassasalari faoliyatini metodik ta'minlash va tashkil etish bo'limi metodistlari nimalarga e'tibor qaratishlari kerak? Quyida bu borada namunaviy metodik tavsiyani e'tiboringizga havola qilamiz. Ta'kidlash lozimki, har bir ta'lim muassasasi ushbu tavsiyadan ijodiy foydalangan holda uni yanada boyitishi va mahalliy shart-sharoitlardan kelib chiqqan holda to'ldirishi mumkin.

Kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligini o'tkazishning asosiy maqsad va vazifalari:

- DTS talablari asosida o'quvchilarning fanlar bo'yicha egallashlari lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarini qanchalik o'zlashtirganini aniqlash;

- tahlillar asosida o'quvchilarning fanlar bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirishga qaratilgan chora-tadbirlarni belgilash;

- ta'lim jarayonida o'qituvchi va o'quvchilar mahorati, iqtidor va qobiliyatini yana ham kengroq yuzaga chiqarishga ahamiyat qaratish;

- kimyo, biologiya, fizika fanlaridan yaratilgan elektron darslik va virtual laboratoriya qo'llanmalaridan dars jarayonida samarali foydalanish usullarini namoyish etish;

- darsdan keyin o'tkaziladigan tadbirlarning ta'lim-tarbiya jarayonidagi ahamiyatini oshirish;

- o'quvchilarning "Bilimlar bellashuvi"da kimyo, biologiya, fizika fanlaridan ishtirokini o'rganish, o'quvchilar bilimidagi bo'shliqlarni aniqlash, ularni to'ldirish choralarini ko'rish, iqtidorli o'quvchilarni aniqlash, qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish va ma'naviy rag'batlantirish.

**Fan o'yliklarini tashkil etish**

Umumta'lim maktablarida fan oyligini o'tkazish yuzasidan chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqishda o'quvchilar bilimida aniqlangan bo'shliqlarni to'ldirishga alohida ahamiyat qaratish zarur.

Shuningdek, maktabda mazkur fanlarga doir devoriy gazetalari chiqarilishi, ularda shu fanlar bo'yicha qiziqarli ma'lumotlar, internet sahifalaridan olingan fan yangiliklari haqidagi materiallarni berish maqsadga muvofiqdir.

Kimyo, biologiya, fizika fanlari bo'yicha ochiq darslar o'tkazilib, ilg'or ish tajribalari ommalashtiriladi.

Maktabdagi shu fanlar yo'nalishlari bo'yicha metodbirlashma rahbarlari, ilg'or o'qituvchilar yordamida o'qitish samaradorligini oshirishga qaratilgan dars ishlanmalari, test topshiriqlari, didaktik materiallar va nazorat ishlari to'plamlarining tayyorlanishi tavsiya qilinadi.

O'quvchilarning ijodiy ishlari (krossvordlar, referatlar, bukletlar, qo'lda yasalgan jihozlar) yuzasidan tanlovlar tashkil etiladi.

Maktabda o'quvchilarning o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanishini tashkil etish maqsadida fan to'garaklarida qo'shimcha mashg'ulotlar (amaliy, laboratoriya, ko'rgazmalari namoyishlar) o'tkazish tavsiya etiladi.

Mahalliy imkoniyatlardan kelib chiqqan holda shahar, viloyat markazlaridagi universitet, institutlarning olimlari, darslik mualliflari bilan mazkur fanlarga qiziquvchi o'quvchilar uchrashtirishni tashkil etish, maktablarda o'quvchilarning ijodiy ishlaridan namunalar asosida ko'rgazmalar tashkil etilishi maqsadga muvofiqdir.

Kimyo, biologiya, fizika fanlaridan o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanishni tashkil etish maqsadida tumanlarda tashkil etilgan tayanqar maktablar qoshida o'qituvchilarga metodik yordam berishga mo'ljallangan seminarlar tashkil etish zarur.

**Fan oyligini yakunlash**

O'ying so'nggi haftasida kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligi yakuniga bag'ishlangan tadbir o'tkaziladi. Fan oyligi davomida maktabda o'tkazilgan turli tadbirlarni tashkil etish va o'tkazishda faol qatnashgan fan o'qituvchilari va o'quvchilar taqdirlanadilar.

Respublika ta'lim markazi  
Tebily va aniq fanlar bo'limi

## КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ЯНГИ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежи сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича тахсил олаётган ўқувчиларнинг амалиёт машғулоти аввалгидан ҳам янада самарали олиб боришмоқда. Зеро, бўлажак мутахассисларнинг дарсларда олган назарий билимлари касб-хунар коллежга келтирилган энг замонавий ўқув жиҳозлари ёрдамида амалий машғулотлар асосида мустаҳкамланаётди.

Электр энергияси ва газ билан ишлайдиган уй иситгич тизимлари, кичик корхоналар учун ҳаво тозалаш ускунаси, газ тақсимловчи пункт, қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан электр ва иссиқликка айлантириб берувчи мосламалар, биноларда сунъий иқлим ҳосил қилувчи қурилмаларнинг модуллари ҳамда пайвандлаш, монтаж қилиш анжомлари, турли чилангарлик асбобларидан ўқувчилар фойдаланиш имкониятига эга.

Яна бир гап, жорий ўқув йил охиригача ушбу касб-хунар коллежининг махсус хоналари «Дурадгорлик ва пол ётқиши ишлари», «Қурилиш ва пардозлаш ишлари» йўналиши устакхона асбоб-ускуналари билан ҳам жиҳозланади. Мазкур ўқув жиҳозлари Ўзбекистон — Германия қўшма лойиҳаси асосида Германиядан келтирилмоқда.

— Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2008 йил 30 апрелда қабул қилинган «Германия Федератив Республикасининг имтиёзли кредитидан фойдаланган ҳолда «Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида касб-хунар таълимни ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилмоқда, — дейди лойиҳа раҳбари Абдувоҳид Убайдуллаев.

— Бугунги кунда лойиҳага юртимиздаги қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги йўналишига ихтисослашган 33та касб-хунар коллежлари киритилган. Лойиҳанинг асосий мақсади қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларини замонавий ўқув ускуналар билан таъминлаш орқали тайёрланаётган кичик кадрлар сифатини янада оширишдир.

Лойиҳа доирасида шунингдек, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини

монтаж қилиш ва таъмирлаш касблари бўйича ўқув қўлланмалар яратилиб, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

— Бугунги кунда иқтисодийнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғида фойдаланилаётган техника ва технологиялар кундан-кунга янгиланиб, такомиллашиб бормоқда, — дейди Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Бердимурод Шайманов. — Шу маънода айтиш мумкинки, келтирилган ўқув жиҳозлари ёрдамида сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналишидаги кичик кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори талабларидан бир қадам олдинга чиқиб оламиз. Чунки, кўпгина модуларнинг асл кўриниши соҳа бозорига ҳали оммалашиб улгурмаган. Бироқ яқин келажақда эса, албатта, кенг қўлланилиши кутилмоқда.

Масалан, келгусида аҳоли орасида қайта тикланувчи муқобил энергиядан фойдаланишга қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бориши мумкин. Демакки, бу борадagi қурилмаларни ўрнатилиш, ишлатилиш ва созлаш кўникмасига эга бўлган кичик мутахассисларга талаб ҳам ортади. Ундан ташқари касб-хунар коллежга келтирилган пайвандлаш, монтаж қилиш анжомлари, турли чилангарлик асбоблари мажмуи, сантехника воситалари, пластик ва темир трубаларга ишлов бериш дастгоҳлари ҳам мутлақо янги.

Дарҳақиқат, бугун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг бозор талабларига мос, рақобатбардош бўлишларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Абдор УМАРҚУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

**Жонимда бўласанми,  
Жонингни берасанми,  
Мени севасанми?  
Йў-э?..**

Бугунги кунда ёшлар орасида «хит»га айланаётган навбатдаги кўшиқлардан бирининг матнида «Йў-э» сўзи 18 марта такрорланган экан. Шу каби савияси паст, ҳеч қандай маъно англатмайдиган, одоб-ахлоқ меъёрларини четлаб ўтаётган айрим кўшиқ ва клиплар «Миллий эстрада санъати: шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги — давр талаби» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида танқид остига олинди, бундай «ижод намуна»ларининг пайдо бўлишининг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу давра суҳбати «Юксак маънавият — санъаткор одобининг мезони» маърифий тadbirlari доирасида шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу борада мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш масалаларига бағишланди.

## САНЪАТКОРНИНГ ОДОБ МЕЗОНИ

Тadbirda хонанда, шоир ва бастакор ҳамкорлиги сусайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

— Бозорга борган одам ўзи харид қилишни хоҳлаган нарса-сини қидиради, — деди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси раиси Азамат Ҳайдаров. — Топавермагач, сал сифати пастроқ бўлса ҳам ўрнини босувчи маҳсулотни олиб уйига қайтади. Балки, бугунги айрим хонандалар ҳам шундай ахволдадир. Айрим ёш кўшиқчилар эса, маъно-мазмунига эътибор бермасдан «Каниза», «Сивёуш», «Зам-зама» каби турли номларни тахаллус сифатида қўйиб олишмоқда. Бу санъаткор маънавиятига умуман тўғри келмайди, деб ўйлайман.

Шундан сўнг ўзбек халқи менталитети ва дунёқарашига мутлақо хос бўлмаган, «оммавий маданият»нинг айрим жиҳатлари акс эта бошлаган номақбул намуналари — клиплардан парчалар қўйиб кўрсатилди.

— Санъаткорлар ўз клипларида, билиб-билмай, «оммавий маданият»ни тарғиб қилишмоқда, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши раиси Шухрат Ризаев. — Айрим клипларда очик-сочик кийинган қизлар ва уларнинг беҳўш ҳаракатларини учратиб қолганмиз.

— Муаммо профессионал шоир билан хаваскор шоирни ажрата олмаётганимизда, — деди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Ушмоҳа юзлаб, минглаб шевърлар келади, лекин баъзиларини умуман ўқиб бўлмайди. Қолаверса, «буюртма» асосида ишлайдиган бастакорлар ҳам кўпайиб кетди...

Давра суҳбатида баҳс-мунозара қизиди. Кўшиқ бамисоли қуш. Унинг бир қаноти маъноли шевър бўлса, иккинчиси қуйдир. Яратилган ижод намунаси кишининг ҳавасини келтирсин, дилларга ором, кўнгилларга таскин берсин. Ана шунда санъаткор ўз олдига қўйган мақсадига эришган ҳисобланади. Уйлаймики, мунозарачи йилгилан ёш шоир, хонанда ва бастакорлар шу каби хулосаларни олдилар.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# ЭНГ МУШКУЛ ИШ ҚАЙСИ?

Донишманддан сўрашибди:  
— Дунёда энг ширин мева нима?  
Жавоб берибди:  
— Бу фарзандлар.  
Яна сўрашибди:  
— Энг мушкул иш қайси?  
Айтдилар:  
— Бу фарзанд тарбиясидир.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси ҳақида сўз кетар экан, унинг жуда оғир масъулият эканлигини ҳис қилмоғимиз зарур. Оила қурдик, фарзандли бўлдик, ота-она бўлдик, ҳаёт шу экан-да, деб ўйламаслигимиз лозим. Мана, яқинда «Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 21 январь 6-сониди муаллиф Х.Абдурахмоновнинг «Боланинг бегонаси бўлмайди» деб номланган ҳамда Н.Эрхонованинг «Фарзандингизнинг дўсти ким?» номи ҳаётий воқеалар асосида ёзилган мақолаларини ўқиб, тўғриси, анчалдан буён дилимга тугиб қўйган, менга тинчлик бермаётган фикрларимни билдиришга фурсат топгандай бўлдим.

Юртимизда фарзандларимизнинг баркамол вояга етиши, жамиятдан ўз муносиб ўрнини топиши учун зарур барча шароитлар мавжуд. Шу имкониятдан тўғри фойдалана олиш, уларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаб бериш биз ота-оналарнинг ҳам вазифасидир.

Х.Абдурахмонов мақоласида айрим «тадбиркорлар»нинг 20—30 дона компьютер сотиб олиб, интернет клублари оқаетгани ва энг ташивланарлиси, уларнинг асосий мижозлари — ҳали балоғат ёшига етмаган болаларнинг улардан фойдаланишини қонуний асосда ташкил этишга панжа остидан қараётганига эътибор қаратган. Ана шу клуб эгаларининг ҳам фарзандлари бордир. Компьютерлардаги шафқатсизлик, зўравонлик ва енгил ҳаётга ўргатувчи ўйинлар фарзандларимиз тарбиясини қанчалик ўзгартириб юбориши ўша «тадбиркорлар»нинг наҳотки ҳаёлига ҳам келмаса?! Бугун «ўша тадбиркорлар» юртимиз келажакги бўлган фарзандларимизнинг ҳар хил ёт гоғлар таъсирини тушишига шароит яратиб бераётганликларини, бунинг учун эртага афсус қилишлари аниқ эканини ўйламас-

микан? Ахир, халқимизда «Нимани эксанг, шуни ўрасан» деган нақд бор.

Шу ўринда ота-оналаримизга айтар гапларим бор. Фарзандларимиздан доимо хабардор бўлиб турайлик: у нима иш билан шуғулланаяпти, ким билан дўст тутиняпти? Ахир келажакда ўғлимиз ота, қизимиз она, бир хонадонга бири куёв, бири келин бўлади. Ҳаммасидан ҳам асосийси улар юртимизнинг бўлажак эгаларидир. Айрим ота-оналар фарзандининг юриш-туришини назорат қилишга вақти йўқлигини ёки онласида тарбиясиз инсонлар бўлмаганлигини ўйлаб бироз хотиржамликка берилди. Асосий хатомизнинг бoshланиши ҳам ана шунда. Касални даволагандан унинг олдини олган афзал, дейди донишмандлар. Шу боис кичик бир эътиборсизлик сабаб хатолар илдиш отиб, фарзандимиз боши берк кўчага кирганда, лод-фарёд қилганимиздан фойда йўқ.

Н.Эрхонова «Фарзандингизнинг дўсти ким?» мақоласида фарзанд тарбиясининг ўзгаришида дўстларнинг ҳам таъсири кучли бўлишини ҳаётий воқеалар орқали яққол тушунтириб берган. Муаллифнинг гапида жон бор. Чунки боланинг бири телефонди, яна бири пули ёки билагидаги кучи учун дўст бўлиб юрганини, биз катталар эътибор қилсак, дарҳол пайқаймиз. Аммо кўпинча кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олаемиз. Оқибатда оилада ноқобил фарзанд, жамиятга зарар етказадиган шахс тарбиялаганимизни сезмай қоламиз. Шунинг учун ҳоҳ ишда, ҳоҳ уйда бўлайлик, фарзандларимиз тарбиясини биринчи гадаги вазифамиз деб билайлик. Уларнинг китобларни кўпроқ ўқиш, фан ва касб тўғрисидаги фаол иштирокини таъминлаш ва назоратта олишимиз фойдалан холи бўлмайди. Шунда жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, Ватанимиз келажакга янада порлоқ бўлишини таъминлайдиган занжир ҳосил қилган бўламиз.

**Шарофат АБДУҲАМИДОВА,**  
РТМ методик хизматини мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими бош методисти

«Ma'rifat» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Айниқса, иш фаолиятимиз учун зарур бўладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дарс ишланмалари, услубий тавсиялардан фойдаланиб, ўз дарсларимизни қизиқарли ва жонли ўтишга ҳаракат қилаемиз. Газетанинг ҳар бир сониди чоп этиладиган ўрганишга арзийдиган, фойдаланиш мумкин бўлган маърифий, таълимий руҳдаги мақолалар иш жараёнимизда жуда асқотади.

«Хислат» рўқни остида бир йил мобайнида бериб келинадиган мақолалар жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, саховат, тежамкорлик, диёнат ҳақидаги мақолалардан фойдаланиб, ўқувчиларга ҳаётий мисоллар ёрдамида сабоқ бериб келмоқдамиз.

Газетанинг 14 январь сонидидаги «Мардлик» сарлавҳали

ул. Биз таълим бераётган болалар ҳали ниҳол, уларни тўғри парвариш қилишда бизга ҳаётий тажрибалар, кўп ўқиш ва ўрганиш ёрдам беради.

Ўқувчиларда мардлик хислатини шакллантириш учун уларга кўпроқ ҳаётий воқеалар, ўзи таниган-билган одамларнинг мардликлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш керак. Айниқса, мардлик хислати ўғил болада мужассам бўлиши ло-

## МАРД КИШИ ҲАЛОЛ БЎЛАДИ

мақола ҳам бизга таниш ва қадрдон мавзуда чоп этилибди. Халқ оғзаки ижодининг шоҳ асарларидан бири бўлган «Ал-помош» дostonи мардликни тараннум этувчи олий намуна эканлиги бола руҳиятига боғлаб берилибди.

Муаллиф айтганидек, «Мард инсон деб кимни айтишда кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқши ва ўхшаш бўлиши табиий. Бир сўзли, қатъиятли, лафзи ҳалол, бошлаган ишини охиригача етказадиган, кимнингдир ёрдамга муҳтожлигини сезиши билан кўмаклашишга тайнадагидан, мураккаб ва қийин вазиятдан ўзини четта тортмайдиган, аксинча, қўлидан келган хизматини ҳеч кимдан, ҳеч қачон аямайдиган кишини мард ва танги, ҳалол ва виждонли, деб айтишга тўлиқ асос бор».

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, бошланғич синф муаллимлари ўқувчилардаги мардлик, жасурлик, олижаноблик каби барча инсоний фазилатларни шакллантиришга масъ-

зим. Чунки у ватан ҳимоячиси, оила боқувчиси ҳисобланади. Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро ибрати болаларда катта таассурот қолдиришни дарсларимиз давомида кўп қизатганмиз.

Ўқувчиларимизга мақолада тилга олинган Норин дарёсидаги қахрамонлик тасвирини ўқиб бердик. Улар совуқ бўлишига қарамай ҳайқириб оқаетган дарёга ўзини ташлаб, бир кишини кутқариб қолган мард инсон ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Замондошларимиз орасида ҳам ибратли ишлари билан қахрамонга айланаётган кишилар борлиги ҳаётий сабоқ бўлди.

Биз газета саҳифаларида бу каби мақолалар кўпроқ берилишини истардик.

**Ҳабибахон ТУРДАЛИЕВА,**  
**Шарофатхон РАҲМОНОВА,**  
Учкўрпик туманидаги 1-ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқитувчиси

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ — ИЛК БИЛИМЛАР АСОСИ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида 400 нафар ўғил-қизга 26 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Бошланғич синф ўқитувчиси Мухайё Эргашевани ҳар куни эрталаб «Ассалому алайкум, устоз», дея шогирдлари қарши олади.

— Ўқитувчилик касбини танлаганимдан фахрланаман, — дейди Мухайё Эргашева. — Мамлакатимизда таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу бизлардан билимимизни, касбий малакамизни тинимсиз ошириб боришни тақозо этади. Биз ўқитувчилар ёшларнинг замонавий илм асосларини пухта эгаллашлари учун дарсларни кўргазмалли қуроллардан ташқари ҳаётий мисоллар билан ҳам боғлаб ўтишга катта аҳамият берамиз.

Суратда М.Эргашева навбатдаги дарсда.



## АЖДОДЛАРИМИЗ — ФАҲРИМИЗ

Республикаимиз касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаш ва уларни фанларга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида фан ойликлари ўтказиб келинмоқда.

Чилонзор туманидаги радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежиди февраль ойи анъанавига мувофиқ «Тилшунослик фани ойлиги» деб эълон қилинди.

Илм масканининг тилшунослик кафедраси томонидан тузилган режага кўра ўтказилаётган очик дарслар, синфдан ташқари ишлар, тўғрақ машғулотлари маърифий тадбирларга уланмоқда.

— Фан ойлиги давомида ўқувчиларни тарихга, адабиётга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларнинг онига миллий гоғя тушунчаларини, шундай аждодларнинг авлоди эканлигимизни сингдирish мақсадида ушбу ойда таваллуди нишонланган мутафаккирларимиз Навоий ва Бобурнинг ижоди кенг ўрганилди, — дейди кафедра мудирини Шохиди Азимова.

**Муҳаддас САРИМСОҚОВА,**  
тилшунослик кафедраси ўқитувчиси

Magnitofonda «Ona» qo'shig'i yangraydi va quyidagi e'lon o'qib eshittiriladi: O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan 2012-yil — Mustahkam oila yili deb e'lon qilindi.

1-boshlovchi: — Assalomu alaykum, hurmatli ustozlar, munis onajonlar! Bu o'zbek xalqi hayotida oilaning naqadar muqaddas sanalishini va u qadriyat darajasiga ko'tarilganini ifodalab turibdi. Mamlakatimizda jamiyatning asosiy negizi bo'lgan oilaga katta e'tibor berilmoqda. Oila mustahkamligida esa onalarning o'rni juda muhimdir.

2-boshlovchi: — Bugun onajonlarimizni 8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni bilan muborakbod etamiz. Farzandlar salomatligi onajonlar g'amxo'rlikiga, onalar salomatligi esa ularning kamoliga bog'liqdir.

3-boshlovchi: — Farzandning to'rt muchasi sog'lomligiga poydevor bo'ladigan birinchi omil sog'lom onadir. Chaqaloq

bo'lmoqda. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 64-moddasida: «Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga yetgunlarigacha qadar boqish va tarbiyalashga majburdir» deb qayd qilinishi onaning farzand oldidagi qonuniy huquq va burchlari kafolatlangani ifodasidir. 2-boshlovchi: — Asosiy Qonunimizning 66-moddasida «Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z otalariga haqida g'amxo'rlik qilishga majburdir» deyilishi biz farzandlarning o'z otalariga o'zlarining burchini o'tashga chorlovdir.

1-boshlovchi: — Darvoqe, onani bolasi, bolani onasiz tasavvur etib bo'lmaydi. Buyuk ajdodlarimizning hikmatli so'zlarida, maqollar va rivoyatlarda ona shaxsi ulov'lanadi, qadr-qimmatli har narsadan yuksak qo'yiladi. O'quvchilar galma-gal:

— Ona bilan bola, Gul bilan lola.

Maktab sahnasi uchun



ONA — HAYOT CHIROG'I, BOLA — UNING YURAGI

8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni bayramiga bag'ishlangan tadbir senariysi

uning vujudida hali dunyoga kelmasidan oq shakllanadi. Mamlakatimizda onalik va bolalikni muhofaza qilish eng ustuvor vazifalardan biriga aylanganiga nafaqat o'zimiz guvohimiz, balki bu dunyo miqyosida ham e'tirof etilmoqda. «Bolalarni asraylik» xalqaro tashkiloti tomonidan tuzilgan jahon reytingida O'zbekiston bolalar va onalar salomatligini mustahkamlash borasida katta g'amxo'rlik ko'rsatayotgan eng ilg'or yetakchi o'nta mamlakat qatoriga kiritilgani quvonarli holdir.

1-boshlovchi: — Bizni yorug' dunyoga keltirgan, tarbiyalab o'stirgan onaning haqini hech kamchiliksiz ado qilib, izzat-hurmatini bajo keltiraylik. Ular xizmatida bo'lib, rahmatlarini olaylik.

2-boshlovchi: — Onalarni qancha ta'rifiyasak, ular haqida qancha g'amxo'rlik qilinsa, shuncha kam. Istiqol yillarida barcha sohalarda xotin-qizlarning faolligi va tashabbuskorligiga keng yo'l ochildi. Qaaysi sohaga nazar tashlamaylik, ular samarali mehnat qilishmoqda, yuksak marralarni zabt etishmoqda. Ular ko'rik-tanlov va bellashuvlarda ishtirok etib, o'z viloyati yoki tumani sharafiga himoya qilishyapti. Yaqin yillardan beri o'tkazilayotgan «Yil ayoli» ko'rik-tanlovi yurtimizda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy rolini va mavqeyini oshirishga zamin yaratibgina qolmay, tadbirkor, oqila, bilimli zamondoshlarimizni elga tanitishda ham muhim omil

— Otangi kaftingda tutsang, Onangi boshingda tut. — Jannat onalar oyog'i ostidadir. — Agar onang va otang bir vaqtda chaqirib qolsa, avval onang huzuriga, so'ng otang huzuriga borgin.

— Bola og'ir yuk ko'tarsa, onaning beli og'riydi.

2-boshlovchi: — Muqaddas Hadisi sharifda shunday matn keltirilgan: «Bir kishi Rasulullohdan «Men yaxshiligimni kimga qilsam bo'ladi?» — deb so'rabdi. «Onangga!» — debdilar Rasululloh.

Ul kishi ikkinchi marta «Yana kimga?» — debdilar. Rasululloh: «Onangga!» — debdilar. Uchinchi marta yana shu savol qaytarilbdi. Rasululloh yana «Onangga!» — debdilar.

Ul kishi to'rtinchi marta so'raganlarida, Rasululloh sabr-toqat bilan: Otangga va yaqin bo'lgan qarindoshlaringga, deb javob beribdilar.

1-boshlovchi: — Bu voqea yaqin o'timishda bo'lgan. Bir onaning yakkayu yagona o'g'li bor ekanu o'g'lini yera ko'kka ishonmay, oq yuvib, oq tarab, o'zi qiyalsa ham farzandini biron narsaga zoriqtirmay katta qilibdi. Ona bolasining baxtini ko'rish maqsadida uni uylantiribdi. Onaning keyingi hayotini tomosha qiling.

2-boshlovchi: — O'g'li xotinini bu qilig'i uchun jazolab, onasi oldidagi gunohi uchun kechirim so'rattiribdi. Uning gapiga kirib, onasini

nimani solib olgan ekan? Hali o'g'li kelsin, bir boplayin. (O'g'li kirib keladi) O'g'li: — Assalomu alaykum, onajon, yaxshi o'tiribsizmi? Kampir: — Vaalaykum assalom, yaxshiman, bolam. Sizlar baxtli, tinch yashasanglar, shu mening tinchligim. Iloho, sog'-ommon, baxtli bo'lib, qo'shganing bilan qo'sha qari.

Kelin: — Hoy, menga qarang, bu onangning dastidan o'lar bo'lsam, o'lib bo'ldim. Kun bo'yi o'tirib olib ming'irlayveradi, og'zi tinmay yegani yegan. Uni cho'lu biyobonlarga eltib tashlang, kunini o'sha yoqda ko'rsin.

1-boshlovchi: — Har kuni shu ahvol takrorlanavergach, o'g'li kunlarning birida onazorini yetaklab, o'lis manzilga ravona bo'libdi. Ancha yo'l yursa hamki, ona lunjida hamon nimanidir chaynar edi. Xotinining yozg'irganicha bor ekan-da...

O'g'li: — Shu yerdan birpas dam oling, onajon. Og'zingizda nima bor? Ona: — Og'zimdag'i turshak, bolam. O'rik mevasi meni kun bo'yi to'q tutadi. Ikkinchidan, turshak jahlim chiqqanida ham yordam beradi. Sen yo'g'ingda kelinim qancha baqirmasin, indamay, ana shu turshakni shimib o'tiraveraman.

O'g'li: — Nega buni oldinroq aytmading?! Ona: — Men buni onalaringga janjal chiqqan, tinch-totuv yashanglar deb aytmaganman.

2-boshlovchi: — O'g'li xotinini bu qilig'i uchun jazolab, onasi oldidagi gunohi uchun kechirim so'rattiribdi. Uning gapiga kirib, onasini

dashtu biyobonga yetaklagani uchun o'zi ham tavba-tazarur qilbdi. Mana, ona o'z farzandining baxti uchun nimalar qilmaydi? Hattoki kelinidan norozi bo'lsa ham onazor bo' haqda o'g'liga lom-mim demagani uning sabr-toqatidan, xushfe'lligidan dalolatdir.

1-boshlovchi: — Ona o'z bolasi uchun umrini bag'ishlaydi. Afsuski, ba'zi farzandlar o'z dilozorliklari bilan onalarini ranjitishadi. Bunday hollarga aslo yo'l qo'ymasligimiz kerak.

Onadir dunyoda eng mo'tabar zot, Uni ta'rifiyasak kalam yetmagay. Onalar bor uchun yashar odamzod, Ona degan bu nom mangu o'chmagay.

{«Onajonim, onajon» qo'shig'i ijro etiladi} 2-boshlovchi: — Sizlarni yana bir bor bahorning ilk bayrami — 8-mart bilan tabriklaymiz. Sizning borligingiz biz uchun baxt. Siz — oilamiz charog'boni, umrimiz mazmunli, hayotimiz shukhi, jamiyatning ulkan tirgagisiz. Muhtarama onalarimizning barchasiga, aziz va mo'tabar opa-singillarimizga hamisha ta'zimdamiz.

Tadbirga ishtirok etgan o'quvchilar o'z onalariga gullar taqdim qilishadi. Tadbirga yakun yasaladi.

Maxfirat ESHMURODOVA, Hamza tumanidagi 255-maktabning oliy toifali o'qituvchisi

OILA — MUQADDAS DARGOH

Insonning kamoloti, uning jamiyatda qanday urinni e'zallashtirish dastlab u tarbiya olgan oila muhitiga bog'lik. Bu esa u'z urnida nafaqat farzandlariga, balki ota-onalariga ham yuksak mas'uliyat yuklaydi. Aynan oiladagi tarbiya orqali shaxsda qadriyatlar, urf-odatlar va an'analarni turg'usidagi tasavvur shakllanadi. Biolibarin, shaxsning milliy xarakterini, uning xaqtda u'z urnini topishi, jamiyat oldidagi mas'uliyatini anglash hamda u'z manfaatlarini davlat va jamiyat manfaatlari bilan uyg'un tarzda idrok etish xissis oilada shakllanishi, shubhasiz.

Xar bir inson oila kurib, Jamiatning barqaror va faromon b'ulishi undagi oilalarning barqarorligiga bog'lik. Buning uchun oila jamiyatda u'z urni va obrusini topishni hojlashtirishi tabiiy. Oila a'zolari jamiyatning maqsadini turg'ur idrok etib, uni u'z maqsadi bilan uyg'unlashtirishi lozim. Demak, insonda dastlabki iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy tasavvur hamda bilimlar ilik bor oilada shakllanishi etibbor-g'ol-sak, masalaning mohiyati oydinlashadi.

Birok hozirgi globallashuv jarayoni va «ommaviy madaniyat» huruji orib boratgan davrda

«Lvejournal» internet jurnalining e'zishima, Rossiya 1990 yildan shu kungacha kurilgan xar uch oiladan ikkitasi buzilgan. «Izvestiya» gazetasi yakinda «Rossiya xar 1000 oilaning 800 tasi buzilmokda», degan xabarini e'zlon kildi. Statistika ma'lumotlarida 1997—2000 yillar orasida dun' b'uyinca eng kup ajrim AQShda kaid etilgani kursatildi. Soziolog olimlar garb dun'asida kurila'agan xar ikkinchi oilaning buzilishini bashorat kilmokdalar. Britaniyalik pedagog olim, doktor Rods Boyson garbdagi oila inkirozi sabablarini urg'ini, shunday deydi: «Britaniyaning xar ettinchi bolasi notulik oilada yashayti. Menimcha, usmir-lar agressiasining asosiy sababi — uйда ota i'ukligi. U'gil bola otasining xarakteridan, kat'iyat-

2012-yil — Mustahkam oila yili

дунёда oilalarga putur eta'tganini ham nazardan ko'chirmaslik kerak. «Lvejournal» internet jurnalining e'zishima, Rossiya 1990 yildan shu kungacha kurilgan xar uch oiladan ikkitasi buzilgan. «Izvestiya» gazetasi yakinda «Rossiya xar 1000 oilaning 800 tasi buzilmokda», degan xabarini e'zlon kildi. Statistika ma'lumotlarida 1997—2000 yillar orasida dun' b'uyinca eng kup ajrim AQShda kaid etilgani kursatildi. Soziolog olimlar garb dun'asida kurila'agan xar ikkinchi oilaning buzilishini bashorat kilmokdalar.

Britaniyalik pedagog olim, doktor Rods Boyson garbdagi oila inkirozi sabablarini urg'ini, shunday deydi: «Britaniyaning xar ettinchi bolasi notulik oilada yashayti. Menimcha, usmir-lar agressiasining asosiy sababi — uйда ota i'ukligi. U'gil bola otasining xarakteridan, kat'iyat-

тидан kuch olib tarbiyalanadi. Ota i'ukligidan u'gil bolalar jamiyatdagi janjari tudalarga ta'kid kila bosha'ildilar. Bu esa ularni jinoyat-chilar xaqti, turmush tarziga olib kiradi». Tadqiqot-chi oilalardagi ajrimlarning asosiy sabablaridan biri garb-dagi axloqiy tubanlashuvdir, deydi.

Kuribni turibdiki, masala u'ta jiddiy. Milliy tarbiya darz ket-sa, uning oqibati jamiyatga kum-matta tushadi. Tarbiya, ayniqsa, oilada olinadigan tarbiya inson-ni qanday darajada shaxsga ay-lanishini belgilaydi.

Oilaga tarbiyaviy maskan si-fatida e'tibor karatishni butun-g'ila zamondagi u'z talab kilmokda. Zoro, milliy tarbiyani farzandlariga singdirish orqali kobil va munosib shaxslarni vo-lyaga etkazishi mumkin. Neqasi, mil-liy tarbiyaning asosida oqibat, insoniylik, шарму xaq, mexr-

мухаббат, ор-номус, фидойилик, ватанпарварлик, ҳақуйлик, сабр-қаноатлилик, меҳнатсеварлик, одоблилик каби фазилатлар мужассамлашган. Tarbiya, ayniqsa, milliy tarbiya ham jamiyat, ham oila uchun birdек muhim sanaladi. Shuningdek, oila kurgonini chiroyi va charoboni sanal-mish a'el zotiga e'tibor karatil-ganligi milliy tarbiyada, xusu-san, ularning urni borligini an-glatadi. Ona allasining u'ziyok muhim kudratli tarbiyaviy a'hami-yat kasb etadi. Oilada a'elga e'ti-bor va a'xtirom karatiliishi, far-zandlarda shunday tarbiyaviy xa-dagi axloqiy tubanlashuvdir, deydi.

Kuribni turibdiki, masala u'ta jiddiy. Milliy tarbiya darz ket-sa, uning oqibati jamiyatga kum-matta tushadi. Tarbiya, ayniqsa, oilada olinadigan tarbiya inson-ni qanday darajada shaxsga ay-lanishini belgilaydi.

Азиза МУХСИЕВА, Низомий номидаги ТДПУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Буюк боболаримиз бизни ҳаётта очик кўз билан реал қарашга ва ҳар қандай орзу-интилишларимиз марказига илм-матрифат, хунар ўрганиш масаласини қўйишни уқдиришган.

Яхши фарзанд замонавий илм-хунарни эгаллаб, ноёб истеъдоди ва маҳоратини намоён этиб, «ўзбек», «Ўзбекистон» деган номни жаҳон maidонida удуғлайди, ота-onasiga юз чандон кўп обрў-эътибор келтиради.

Инсон ҳар қанча ақли ва тажрибали бўлмасин, доимо замоннинг талабини ҳис қилиб яшashi lozim. Замондан узилган одам тараққийётдан четга чиқиб қолади.

Баъзи одамларда «Кун ўтиб турса, бир амаллаб рўзгорни тебратишга ярайдиган бир касб бўлса бас, бизга бўлаверадилар» деган нотўғри қараш мавжуд. Ваҳоланки, бутунги кунда фақат рўзгор-

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ни эмас, балки дунёни тебратишга арзийдиган касб-хунар эгаллаш учун кураш бормокда. «Рўзгорни тебратишга арзийдиган» касб деганда ҳақиқий касб эмас, балки қўл учиди қилинадиган юмушнинг бошини тутиб кун кечир-тиш тушунилди.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари «Қамол эт касбим», яъни камолотни ўзинга касб қилиб ол, дея таъкидлаган. Биз истиқлолга эришганимиздан кейин тараққийёт сари юзландик. Лекин бунга зарур илм-хунарни ўзлаштириш орқалигина эришилади. Бу гоё ва фалсафа замонавий миллий таълим моделида ўз аксини топган. Оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб боришни тақозо этадиган бир модел ўқувчи-ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялайдиган, бутунги тараққийёт талабларини ҳар томонлама инобатта оладиган кўп босқичли тизимдир.

Юқориди айтилганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда кўплаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Лекин бундан, ёшларни касб-хунарга тайёрлаш фақат ана шу билим масканларининг иши, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки касб-хунар тарбияси оиладан бошлаб олиб мактабга, маҳалладан бошлаб меҳнат жамоаларига — бутун жамият фаолиятининг эътиборидиғи масаладир. Президентимиз Исрол Каримов шунинг учун ҳам «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариди инсон тарбиясида oila va oilaviy munosa-batlarining urni va taъsiri beқies эканини назарда тутиб, «Oila soғлом экан, жамият mustahkam, жамият mustahkam экан мамлакат барқарордир», деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда юксак малакали, ҳар томонлама билимли ва юксак маънавиятли мутахассислар, турли касб-хунар эгаларини тайёрлаш жарайни қизиги ке-чаётган бир пайтда ота-оналар, бобо-бувайтлар ҳам бунда ўз ўринларини тўғри белгилаб олишлари керак.

Шахло МУСУРМОНОВА, Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Табиятан атрофимдагиларнинг феъл-атворини кузатиш, теварагимда рўй бераётган воқеаларни синчиклаб ўрганишни яхши кўраман. Балки мен айтмоқчи бўлган ҳолат кимгадир арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо шу оддийгина ҳодиса замирида ҳам кичик бўлса ҳам ҳаёт фалсафасини уққандайман.

... Одатдагидай эрталаб кўчалар банд. Кимдир чишга, яна кимдир эса ишга шошиляпти. Автобуга чикдим.

Йўловчилар бир-бирига туртинган, нари тур, бери тур... Бир йўловчи автобус бекатига яқинлашганда орадан кисилиб олдинги эшикка интилди. Шу пайт ёнимда турган ёшгина бир йигитни беҳосдан тирсаги билан туртиб юборди. «Жабрануе-чи» унга бир ўкрайиб қаради-да, кейин жон-жаҳди билан итариб ташлади, бу ҳам етмагандай, «Эй қанақа одамсан, кўзингга қарасанг бўлмайди, аҳмоқ» деди. Ту-

ОЛТИНГА ТЕНГ ОҚИБАТ

шишга чоғланган йўловчи жимгина яна одамлар орасидан сирғалиб эшикка яқинлашди.

— Бориб турган безбет ҳам экансиз-ку... — деди йигит унинг эрталаб. Бу ҳолатга ҳеч ким бир оғиз фикр билдирмади. Гўё ҳеч кимнинг эрталабдан асабини бузгиси йўқ. Назаримда, ҳозир йўловчи билан йигит ўртасида тортишув бўладиғандек эди. Лекин...

— Кечирасиз, уэр, беҳосдан... — деди йўловчи хотиржамлик билан. Ҳуриндақдиган бир отахон бўйинини чўзиб, халиги одамга қараб: «Отанга раҳмат болам, дилозордан Худо безор, ишинг бароридан келсин», дея дуога кўл очди.

Билмадим, ким ҳақ, ким ноҳақ? Англаган ҳақиқатим, орамиздаги оқибатнинг ба-ҳоси олтинга тенг дуо экан.

Хуршида ЧОРШАНБИЕВА

Юртбошимиз таъбири билан айтганда халқ озаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алломиш» дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир.

Ушбу дostonда нafaқат йигит-лик шаъни, балки аёл қалб торларининг ўта сезувчанлиги ҳам тарафнам этилади. Масалан, Қалмоқ юртида мусофирликда юрган Бойсариннинг қизи Барчиной ва унинг канизи Суксуройни кўрган тўқсон алпнинг бири Қўкаман: «Булар ётган элибди, булардан бориб қимиз сўрайин. Қимиз берса, шу қизнинг бировини олайин, суе берса, қуруқ қовламан, пешонамини шу ердан кизнаб кўраман», деб ўзбек қизларидан қимиз сўраганида, Ойбарчин зий-раклик билан буни фахрлаб, канизак Суксуройга: «Бу қалмоқ қимизини биздан ирим билан сўрайпти. Бир жом суе олиб чиқиб бергин, биздан сувадай совиб кетсин, умидини узиб кетсин», дейди. Бу ерда ўзбек қизларига хос фаҳм-фаросатни кўришимиз мумкин.

Яна бир сахнада Барчиной ўз ёрига олти ой муддат ичида Қўнғиротдан Қалмоққа етиб келишини сўраб хат ёзади. Қўнғар ўтиб Қалдирғочойни уни кўриб қолади ва бу хабарни худлик билан акасига етказганда, Алломиш: «Олтойчалик йилда бўлса, бир қалмоқнинг айла бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламин деб сандираб ўламизми», деган жаовбини беради. Қалдирғочойим эса: **Мард йигитнинг ёри талаш бўлами Эр йигитнинг ёрин қалмоқ олами?** дея унинг гурурини кўзгайди, Қултой йилқичидан от олиб, Қалмоққа боришга кўндирди. Бир ўринда ўзбек оналарининг меҳри бир уммондек эканлигига, деъди. Бу уммонинг чек-чегарасини топа олмаслигиниғизга яна бир бор гувоҳ бўласиз. Онанинг кўзи оғиз бўлса ҳам қалбан фарзан-



АЁЛ АҚЛИДАН ТАРАЛГАН НУР

дини кўргани ва ҳис қилгани худди қўнғиротдан соғувдан танамиз дидир-дир титраганидек, бу ҳаёт ҳақиқати йўғрилган жумлаларни ўқиб, бутун вужудимиз титрайди.

Алп етти йил Қалмоқда зиндонда ётиб, ўз элига қайтганда юрт парокандалигини кўриб, Ултонтоз Барчинойни мажбурлаб, ўз никоҳига олаётган тўй устидан чиқиб, ким дўст, ким душманлигини аниқлаш учун бироз Қултой қиёфасида юради. Шу қиёфада Энаси Кунтуғмишни кўради. «Кунтуғмиш янги омонимсиз?», дея муштипар, кўзи ожиз онаизорига қозланади. Шунда она: **Ҳой, дединг банди-бўғним бўшди, Соғ суягим жой-жойдан бўшди, Довушганинг Алпомшига ўшшди, Қултойман деб, болам, мени алдама,**

дея ҳақиқати меҳр ёғдусида қалб нигоҳлари ила кўради. Дostonдаги яна бир сахнага эътиборингизни тортмоқчиман. Унда аёл килишининг ақл-заковати ёритилади. Воқеа шундай бўлган эди: Алломиш бор вақтида Фармонқул деган қули бор эди. Бу қулни ўзбекларга хос олижаноблик билан зиндондан озод этган эди. Ултонтознинг тўйида Фармонқул баковул бўлиб турган-ди. Қозон бошига келган Ҳаким-бекнинг ўғли Ёдгор илик оламан деб турганда калпик билан уриб, оғзини қонатади. Шунда «Қултой», нега Ёдгорга зулм қилсан, деб иликни олиб беради. Фармонқул эса худди битта омбордаги «насиба»-сига қаноат қилмай, бошқа омборга ўтаман деб ерни ковлб, мушук қаршидан чиқиб қолган маълун сичкон қиёфасида эди. Бу манзарани кузатиб турган Фармонқул хотини-

нинг фаҳм-фаросати бунга етиб, ақл-заковати камалакдек товланиб эрига қараб:

**Сен эшитгин мендей мунглик тилини, Нега урдинг Алпомшининг улини?**

**Танимайсан мунда келган кишини, Йўлбарс келиб, юртга оралади,** — дейди. Юртга Алломиш келганини ҳали ҳеч ким пайқамаган бўлса ҳам Алпнинг онаси Кунтуғмиш ва қулнинг хотини ўз ақл-заковатлари билан буни сезган эдилар.

«Алломиш» дostonи сюжетларида ўзбек аёлининг ақл-заковати, зийраклиги ва ҳар бир воқеани оқиллаб билан сеза олишлари китобхонни масрур этади. **Дилфуза САРИБОЕВА, ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси**



Уйга кирдим-да телевизорни кўйдим. Экранда онамга ўхшаб кетадиган аёл қиёфасини кўриб юрагим орзиди. «Согинибман!» дедим беҳиштиёр. Шу пайт мен билан тенгдош бир қиз қувонч билан гапира бошлади. Бу қиз «Президент стипендияси» совриндори бўлибди. Бояги аёл — унинг онаси, қўлариди шодлик, овозидан фахр туйғуси, ҳаяжонини пайқаш қийин эмас эди.

Яна хотираларим, юрагимдаги ҳислар тугён қила бошлади: абитуриентлик даврим, қиллогимиз, уйимиз, меҳнат-каш ота-онам, қорақўз сингилларим, азонлаб қўй-сигирлар орқасидан юғрадиган укам, мени ҳеч тарк этмайдиган ҳовлимиздаги, уйдан мактабгача бўлган йўлдаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тошда акси қўринадиган орзуларим...

гимизда, залда юрган хушчақчақ курсдошларимизга кўзимиз тушса, хурсандлигимиздан чапак чалиб юборамиз: «Домла келмабди!».

Бундай ҳолатлар камдан-кам содир бўлади-да... Шошиб келаётганимизни билдириш учун ховлиққан бўлиб, маърузани бошлаб юборган домлага жавдариб қараймиз. Бир «илож» қилиб, дарсга кириб оламиз. Домла «Ёзинлар!», деб хитоб қилади. Сумкамизни титкалаймиз. Ручка қолиб кетибди-ку! Секин ёнимиздаги курсдошимизни



## «Ma'rifat» Mahorat Maktabi

йўлида ҳозирданок, кичик бўлса-да, тамал тоши ни қўйишга ҳаракат қилаётганликлари-

нинг гувоҳи бўламан.

Аммо баъзи ҳолларда, талабалар ўзларини таҳсил олаётган ўқув юрталарига муносиб деб ҳисоблашмайди. Яъни «Агар мен молия соҳасида эмас, дипломатияда ўқиганимда ўз қобилиятимни намойиш эта олардим» қабилида ўйлаб, тушунлиққа тушишади. Бу эса, уларнинг дарслардан зеркиқилларига етарли баҳона бўлади. Ёшларимиз

## Mulohaza



роқ меҳнат қилиши шарт. Олий таълим фақат диплом олиш учун эмас, балки у инсоннинг ҳаётида қўлаган улкан мақсадларига эришиш учун мустаҳкам замин бўлиши керак. Қачонки, бизга кимнингдир меҳнати, хизмати сингиётганини, шу орқали келиб қичувчи қардорлик туйғусини ҳис этсак, иштиқимиз ўз-ўзидан ошади.

**Махлиё ОТАБОВЕВА, собиқ талаба:**

— Талаба масъулияти ўз вазифасини тўғри бажара олишида намоён бўлади. Булар эса, ўз навбатида, эрта туриш, дарсга ўз вақтида етиб бориш, кутубхоналардан доимий фойдаланиш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабарлик, кийинчи, муомала одоби, ҳар бир фанга ҳурмат билан жиддий ёндашиш, дарсларга қатнашиш ва тинглай олиш маданиятини билиш, ўқув куроллари билан қуролланиш, устозларга эҳтиром қабиларни ўз ичига қамраб олади. Замонавий талаба эътиборли, фаол бўлиши лозим.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА, III курс талабаси:**

— Талаба ўз масъулиятини ҳис этиши керак, албатта. Биз, ўқиб билан бирга, жамоатчилик ишларида ҳам фаол бўлишимиз зарур. Бу икки ҳолатдан бирини бажармаслик қўзланган мақсадимизга тўла эришишимизга имкон бермаслиги мумкин. Ҳар хил ҳолатларга дуч келамиз. Ҳоҳида тенгдошларимиз даврасида «Ўқиб нима бўлардим» мазмунидagi сўзларни эшитиб қоламиз. Бу зайдда фикрлаш қоқликдан нишона. Илм маънавий оламимизни бойитиши. Бизни ўзал шахс қилиб тарбиялайди. Илмсизлик эса, инсон онгиде бўшлик пайдо бўлишига олиб келади. Бундай бўшлиқни бузғунчи ўйлар билан тўлдириб осон кечади, инсондаги энгил ва «ёқимли» нарсаларга бўлган мойиллик бунга таъминлайди. Олий ўқув юрталарида берилган билимларни ўзлаштирмаслик келажақда ўз иш жойига эга бўлишга халал беради ёки «қасбни ўзгартиришга» сабаб бўлади.

Биз бу ерда талабаларга масъулиятсизлик айбини қўймоқчи эмасмиз. Асло бундай ниятимиз йўқ. Шунчаки, порлоқ орзуларимизга эришишимизда тўсиқ бўлувчи иллатлардан огоҳ этмоқчи, шу хусусда фикр юритмоқчи бўлдиқ, холос. Зеро, ўз йўлини аниқ белгиллаб олган, мақсади сари ҳаракат қилувчи талабаларга ҳеч нарса халал беролмайди.

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА

# «ЎРТОҚ, РУЧКАНГИ БЕРИБ ТУР!»

ёҳуд биз — талабалар масъулиятни қай даражада ҳис этаёпмиз?

«Нималарга эришдим?», «Нималар билан бандман?», «Мақсадларим сари интилапманми?», «Масъулиятимни қай даражада ҳис этаёпман?»...

Шу каби саволлар таъсирида қўлимга қалам олиб, беҳиштиёр қоғоз қоралай бошладим...

Ҳа, орзуларимиз ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Университетга ҳужжат топшириш олдида кўнглимизга бир олам истакларни тугиб, талабалик бахтига муяссар бўлиш насиб этса, албатта, интилиб яшагга, ота-онамизга раҳматлар ёқдирришга ўз-ўзимизга сўз берганимиз ҳақиқат.

Мана, минг шукр, имкониятлар эшигини очиб олдиқ. Қандай бахт!

Энди, қадрдон, келинг, унча хуш келмасан-да, ўзимизни бир тафтиш қилайлик. Талаба масъулияти — бизнинг масъулиятимиз ҳақида би-ир фикрлашайлик!

Эрталаб ўрнимиздан тургимиз келмай, хуноб бўлаемиз. Нар-бери ўқув анжомларимизни тайёрлаб, факультет томон шошиламиз. Эй, тўхтан! Нонушта нима бўлади. Ҳа, ўн дақиқадан сўнг дарс бошланади-ку? Нонуштини тайёрлашга вақт борми? (Онамизнинг қадри билиниб кетади.) Бўлди, кетдик... Бекат! Барвақитқ чикмаганимиз боис ҳар сония ганимат, автобус ҳам секин ҳаракатланаётгандек туюлади...

«Афсус, кечикдим! Гап эшитадиган бўлдим-да!». Тасаввур қилинг, шундай хавотир билан факультетга кирган чо-

туртамыз: «Ўртоқ, ручкангни бериб тур!» (Агар у ҳам елка қисиб, ўзим фалончидан олгандим, деса урди худо!). Яна кулик фаолиятимизни бемалол давом эттиришимиз мумкин: қўшимча машғулотлар, кутубхона, тўғарақлар ва ҳоказо...

Унчалик эмасдир, дейсизми? Бу фикрларим, афсуски, асоссиз эмас. Бугунги кунда талабалар қимматли вақтларини нималарга сарф этишаёпти? Улар ўз зиммаларидаги вазифаларни қай даражада адо этишаёпти?

Албатта, шиддат билан ривож топаётган замонамизда бу саволларга ижобий жавобларни ҳам олиш мумкин ва бу хол қувоничга арзийди.

Бу борада талабаларимиз ҳам турлича фикрлари бор.

**Насиба ТҮЙЧИЕВА, собиқ талаба:**

— Аксарият ҳолларда бугунги кун ёшларим, афсуслан, талабалар ҳақида «масъулиятсиз» деган мазмундаги гапларни тез-тез эшитамиз. Бироқ, менинг фикримча, бундан ўттиз йил олдинги ҳолат билан таққослайдиган бўлсак, баъзи камчиликлар қатори, кўпгина ютуқли жиҳатлар ҳам бор. Чунонки, бугунги талаба камда битта хорижий тилни ўзлаштирган, замонавий технологиялар билан бемалол тиллаша олади. У ўз ҳаёти, келажаги ва кариёрасига жиддий қараган ҳолда, мақсад сари интилмоқда. Тенгдошларим билан суҳбатлашганимда уларнинг ўз олдига катта мақсадлар қўйганини, унга эришиш

ақлли, қобилиятли, шу билан бирга, интилувчан. Менимча, улар ўз кун тартибларини тўғри тақсимлай олишмайди, холос. Шунинг учун аниқ мақсадга эришишда қийналишади. Ёшлар юртимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Ўз-ўзидан маълумки, талабалар ёшларнинг энг фаол қатламидир. Демак, биз — талабалар жуда катта кучимиз. Келажақда она-Ватанамиз ривожига ҳисса қўиш ҳар биримизнинг олий мақсадимиз бўлмоғи шарт.

**Малика УМЕТОВА, IV курс талабаси:**

— Ҳар бир соҳа вақилининг ҳаётий йўналишини белгилаб берувчи нарсаси — бурч ва масъулият ҳисобланади, назаримда. Айниқса, таълим олиш жараёни, хусусан, талабалик бу борада алоҳида эътирофга сазовордир. Бугунги кунда замон ва макон тушунчаси ўз қадр-қимматини йўқотиб бораёттир, башарият зиммасидаги вақтдан унумли фойдаланиш, берилган умрни сермазмун ўтказиш каби масъулият ҳар қачонгидан ҳам катта. Талаба — илмга талабдор, демократ. Бу илмталаблик эса, мақсадга эришиш йўлида соҳибқадамликни, қатъиятнинг тақозо этади. Бинобарин, талабалик масъулияти ҳақида сўз борар экан, бу қайсидир жиҳатлари билан ҳам ташқи, ҳам ички омилларга боғлиқ деб ҳисоблайман. Лекин талабалик бахтига муяссар бўлиб, муваффақиятга эришган ҳар бир ёш эндиликда нисбатан кўпроқ ва самарали-

Укам эрталаб нонуштага сут ичишга одатланганлиги сабабли сутчи аёлнинг овозини эшитиб қўнча чикдим. Тўсатдан қўшни кампирнинг сутчи аёлга айтаётган гапларини эшитиб қолдим:

— Сутингиз бунча суюқ, сув қўшмаганмисиз? Сут бундай бўлмайди, инсофингиз борми?

Кампирнинг ҳақиқатни юзига айтганидан ҳайратланган сутчи нима дейишини билмай, дудуқланганча:

— Сут ўзи суюқ бўлади. Ҳеч қанақа сув қўшилмаган, — деб жавоб берди.

## КЎПРОҚ ФЙДА ҚИЛАМАН ДЕБ...

Бу ҳолатни четдан кузатар эканман, шунга ўхшаш бир ҳикоя эсимга тушди:

Айтишларича, сигир сути билан кун қўрайдиган бир хотин сўт кўпайсин, деб унга сув қўшар экан. Бир кун бўрон бўлиб, дарадан ўтаётганида сигирини сел оқизиб кетибди. Аёлнинг бир ўғли бор экан. У йиғлаётган онасига: «Она, нега йиғлаясиз? Ўша сиз сутга қўшган сув сел бўлиб сигиримизни оқизиб кетди», деган экан.

Бу ҳикояда эгри йўлдан юрайдиганлар учун катта ибрат дarsi бор. Сутни кичкинтойлар севиб ичадилар. Беморлар эса, кўпроқ сут махсулотларидан шифо топадилар. Кўпроқ фойда олиш мақсадида бундай йўл туттиш гуноҳ эмасми? Ҳар қандай мушкулликда ҳам тўғри йўлни танлаган инсоннинг бошқаларга қараганда йўли очик, ризқи ҳам зиёда бўлади.

Назозат ИБРОҲИМОВА

# МУОМАЛАНИНГ ЯНГИ «УСУЛ»И

Ойим билан бозор айланиб юрганимизда харидорга бақираётган би-р сотувчига қўзимиз тушди.

— Барибир, олмайсиз-ку, нима қиласиз нарҳини сўраб? Боринг, бошимни қотирманг, ўзи шундоқ ҳам оғриятти!

Қўпол муомаладан ўзини йўқотиб қўйган аёл нима дейишини билмай қолди. Шу пайт жанжалга бошқа бир башанг кийинган аёл аралашди:

— Вой, бу қанақаси? Харидор бўлганда кейин нарҳини сўрайди-да! Олмаслигини қаердан биласан, нима, пешонасига ёзилганими? Онанг тенги аёлга бақирришга уялмайсанми?!

— Мен сизга гапирмаяпман. Келинг, нима олмоқчисиз? — деди сотувчи мулоимлик билан.

— Ҳамма молинг қанча туради? Барини сотиб оламан! Уларнинг тортишуву бироз вақт давом этди. Кейин барча ўз иши билан овора бўлиб кетди.

Ҳа, бозорда бундай ҳолат-

ларнинг жуда кўп гувоҳи бўламиз. Баъзида кўз юмиб кетамиз, баъзида аралашгимиз келади. Лекин бир нарсасга тушун олмайман: нега сотувчи икки аёлга икки хил муомала қилди? Биринчиси одми кийинган, содда аёл бўлгани учун унга шундай қўпол гапирдимми? Иккинчи аёлга эса, нима деб жавоб беришини билмай қолди. Қўпичча оддий кийинган, харидорлар нарҳларини сўраб ҳеч нарса олмасан, сотувчининг жаҳли чиқади. Лекин ўша харидорнинг ўрнида башанг кийинган одам бўлса-чи, бунда сотувчи ҳеч нарса дея олмайди. Ҳўш, нима учун? Нима, гап кийим, юриш-туриш, кўринишдами?

Шу ўринда Саъдий Шерозий ҳақидаги ушбу ҳикояни келтириб ўтсам:

«Бир дарвеш эски кийимда қозининг айвонига кирибди ва шаҳар қазо-қазоларининг ёнига бориб ўтирибди. Шунда қозининг хизматқори ўрнингни билиб ўтир, деб дарвешни ҳайдабди. Дарвеш бо-

риб пойгакка ўтирибди ва суҳбатни эшитибди. Суҳбат қизиб, бахсга айланибди, ҳамма ўз фикрини маълум қилиш эмиш. Шу пайт бахсга дарвеш аралашди, улар еча олмаган муаммонни хал қилиб берибди. Бундан лол бўлиб қолган қози унга ўз салласини тақдим этибди. Дарвеш эса саллани рад қилиб, шундай дебди:

— Агар бошимда ҳушим бўлса, саллан билан нима ишим бор? Калла бўш бўлса, салла катта бўлса, ундай бошдан не фойда? Сув зилол бўлса, унга қўза олтинданми ёки сопoldан, бунинг фарқи йўқ. Ахир, эшакка атлас тўқим қўйилгани билан, барибир, эшаклигича қолаверади-ку!

Шундай деб дарвеш чикиб кетибди. Унинг гапларидан ҳайрон бўлиб қолган қози ва мулозимлари дарвешнинг кетидан чиқибди. Лекин уни

топа олишмайди. Одамларга уни тасвирлаб, кимлигини сўрашса, улар «Бундай доно сўзларни фақат Саъдий айтади», дейишди».

Бу ҳикояга нисбатан доно халқимиз ушбу мақолни қўллайди: «Кийимга қараб кутиб олинмади, одобига қараб кутилмади». Ҳа, ҳаётда ҳар хил ҳолатларга дуч келамиз. Баъзида менсимган одамнинг кейинчалик сен учун энг керакли инсонга айланиши мумкин. Ахир, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди-ку. Шундай экан, нега бир-биримизни арзиммаган гаплар билан ранжи-тамыз? «Инсон кўрми — либос», дейишади. Балки баъзилар унм шундайдир. Лекин инсонга эъб бериб турувчи унинг одоби, ақли, ширинсўзлиги ва оққўн-гиллигидир. Ҳар қандай либосга эса инсоннинг суратию сийрати чирой бағишлайди.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА

ЎЗДЖТУ талабаларининг мақолаларини  
Маҳмуд САЪДИЙ ва Соҳиба МУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

**Дилхиралик**

— Мухаббат Аббосиз яшай олмайдими! Уни онаси Аббос учун туққан! Ҳи-ҳи-ҳи!

Муаллима синфхонага кириш асосида бу қадар бепарда сўзни эшитиб, бирданига асаби таранглашди.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Қўзгина бу маломатни кўтаролмай, пиқиллаб йиғлаганча синфхонадан чиқиб кетди. Аббос эса бошини ҳам қилиб, партага чўкди. Тўғри, Аббос билан Мухаббатнинг бир-бирига нисбатан илиқ муносабатини бутун синф ўқувчилари билишди. Ахир, ўсмирликнинг илк даврида бундай кечини ҳам бир болада рўй бериши табиий-ку?! Бир эмас, икки тенгқурнинг дилини вайрон қилиб, бундан завқланаётган Бахтиёр, афтидан ҳали бу тўғруни бошидан кечирмаган кўринади. Ахс ҳолда «Озинг-кўзинг борми?» демасдан синфдошларининг шаънига шу гапни айтмаган бўларди.

— Бахтиёр, бери кел-чи, уят эмасми шундай дейишинг? — муаллима ҳалиги ўқувчини секин имлаб ёнига чақирди. — Нима деяётганини биласанми? Бу гапнинг билан синфдошларининг қалбига озор etkazясан, яхши эмас!

— Уларнинг Лайли-Махжунлигини ҳамма билади, нима қипти? — унинг бу гапи аянам ошиб тушди.

— Майли, ҳозир сен билан тортишишинг мавриди эмас, вақтини бой берамиз, — ўқувчи бетгачопар ўқувчиси билан ади-бади айтишиб ўтиришини ўзига эч кўрмади. Бировнинг дилини ҳуда-беҳуда огритиш одбосизлик эканлигини Бахтиёрга тушунтириши учун бирикки дақиқа камлик қилади, энг яхши имконият — тарбиявий осят.

**Қиссадан хисса:** Тошкент шаҳридаги 153-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мохин Омарова фаолиятида бундай дилхиралик илк мартаба рўй бергани йўқ. Ўқувчиларнинг бир-бирига ўйламай айтган гаплари туфайли улар орасида гоҳо зиддият туғилади. Муаллима андишасизлик қилган ўқувчини тартибга чақирмас, у бу одатини яна такрорлаши мумкинлигини билади. Шу боис, синф раҳбари эртасигаёқ ўқувчилар билан «Муомала одоби» мавзусида тарбиявий соат ўтказишга қарор қилди. Ён-атрофдагилар билан хушмуомалада бўлиш, сўхбатдошнинг сўзларини бўлмасдан, диққат билан тинглаш, унинг дилига оғир ботадиган гапни айтмаслик, сўзлашдан аввал мулоҳаза қилиш зарурлигини ҳаётий мисоллар асосида ўқитар экан, муаллима зимдан Бахтиёрга разам солди. Назарида, бола тўғри хулоса чиқарганга ўхшади...

**Комилликнинг шартларидан бири**

«Уят», «андиша» сўзлари кундалик мулоқотда кўп ишлатилади. Бу азал-азалдан қадрланаётган хислатнинг ҳозирги авлод маънавий ҳаётида ўрин эгаллаганидан далолат беради. Андишанинг йўқолиб кетмаганлиги, аксинча катталардан кичикларга панду насиҳат, хатти-ҳаракат, шахсий ибрат орқали узатилаётгани ижобий ҳодисадир. Комиллик

ка интилан инсон ўз феъл-атворида, албатта, андишани, уят хиссини у ёки бу восита орқали шакллантиради. Бадий адабиётимиз дурдоналарида, тасвирий санъат асарларида, драматургия ва экран асарларида яхшилик ва згулик, андиша тўғриси образлар, уларнинг бир-бири билан мулоқоти жараёнида ўз ифодасини топиб, айнан шу нуқталар ихлосмандларни ҳаяжонга солади. Адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида ўзбекона одоб, ўзбекона хулқ-атвор мезонлари шу қадар таъсирли ва нозик эпизодларда берилдики, романинг ҳамон китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилишига аслида шу ҳолат замин яратган, дейиш мумкин. Кумушбининг Отабекка «Сиз ўшамми?» дея қиёбоқишида чексиз ҳаё ва ибояширин. Ота-онасидан тарбия-

ота-оналар, буви-бувалар, маҳалла фаоллари иштирокини ҳам талаб қилади. У беандишалик туфайли инсон ўз ҳаётида катта-кичик муаммоларга дуч келиши мумкинлигини англаб улгайиши керак: яқинларининг кўнглини беҳосдан огритиб қўйиш, ўзаро низо-ларни келтириб чиқариш, бўлар-бўлмас кўнглисизликлардан сиқилиб, соғлиғига зарар etkazиши шулар сирасига киради.

**Андишанинг оти кўрқоқми?**

Халқимизнинг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида ота-онага нисбатан хурматни, итоатгўйликни сақлаш, уқанинг ақсига, описига бир гапни айтишдан аввал мулоҳаза юритиши ёки қайнона, қайнота олиндида келин-кўвнинг ўзини

га интилиши донолик, зийраклик белгисигина бўлиб қолмай, жамият тараққийига оз-оздан йиғилиб, ҳисса бўлиб қўшилишини ҳам унутмаслик керак. Бирор меҳнат жамоасини кўп йиллардан бери бошқариб келаётган кишининг ўз қўл остидаги ходимлар билан муомаласи, ўша соҳани бир маромда ривожлантириши унинг феъл-атворида шаклланган инсоний хислатлари орқали ҳам намоён бўлади. Агар у кўп ўқиган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, катта ҳаётий тажрибани эгаллаган ва энг муҳими, комилликни ўзида унча-мунча шакллантира олган бўлса, ён-атрофдагиларнинг хурмат-этиборига, эътирофига сазовор бўлиши аниқ. Раҳбарнинг андишаси қандай бўлиши керак?

**Шарофиддин ЗАЙНИДДИНОВ, Шаҳрисабз тумани**

# АНДИША

## (Ўн тўртинчи мақола)

нинг нозик сирларини ўзлаштирган Кумушби кўнглидаги инсон — Отабек қаршидада турса ҳам ўзини унинг бағрига отмайди, андиша сақлайди, хиссиётларини жиловлай билади. Ўзбекона одобнинг бу кўриниши китобхоннинг юрагини «жизз» эттиради. Ҳўш, андиша аслида нима, уни илмий жиҳатдан қандай талқин қилиш мумкин?

**Мавлуда ҚОПЛОНОВА, психологик фанлари номзоди, доцент:**

— Андиша—ўзбек халқи томонидан гоятда қадрланадиган хислат бўлиб, хулқ-одобнинг ўзига хос мезони сифатида намоён бўлади. Инсон ўз ён-атрофидаги кишилар билан муносабатда ўзаро хурматни гоҳо тортинчоқлик, гоҳо вазминлик, гоҳо сабр-тоқат асосига қуради ва бунинг тағ замирида андиша ётади. У қайси бир шаклда бўлмасин, ақл хиссиётдан устун қўйилади. Андишали бўлиш орқали одам яқинлари томонидан ўзига нисбатан хурматни, меҳрни асраб қолади, атрофида руҳий соғлом муҳитни вужудга келтира олади. Лекин бу тўғру меъридан ортиқ бўлса, журъатсизлик келиб чиқади. Бундай ҳолатда шахс ўз фикрини ва муносабатини очик-ойдин, рўйирост айтишмасдан қийналади. Бошқа кимсалар эса бу ҳолатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади.

Салбий ҳолат — андишасизлик эса кучсиз асаб системасига эга бўлган шахсларнинг хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Уларнинг асаб системаси кўзғалиши ва тормозланиши меъёрида эмаслиги сабабли, хиссиётларини етарли даражада бошқара олмайдилар. Кўпинча бу ҳолат сергап, шошма-шошар, қилаётган ишнинг оқибатини ўйламайдиган кишиларда тез-тез кузатилади. Болани ўзининг ёки ўзгаларнинг номақбул хатти-ҳаракатларидан уялиш, нимадандир андиша қилиш хисси билан тарбиялаш фақат таълим даргоҳлари гарданидаги иш бўлмай, кенг жамоатчилик—

спило ва уятчан тутиши кузатиладики, буларнинг барчасини уят-андиша атрофида бирлаштириш мумкин. Ўз хиссиётини жиловлай билган ва ақл билан иш юритган киши яъни андиша шахсга нисбатан юқоридаги нақлнинг қўлланилиши аслида тўғримиқан?

Ҳоҳ оилада, ҳоҳ бирорта корхона ёки ташкилотда, кўча-кўй ёки маҳаллада бўлсин, кишилар орасидаги ўзаро мулоқотнинг андиша асосига қурилиши илиқ ва соғлом бир муҳитни яратсаю, андишали одамга нисбатан кўрқоқ таърифини кўллаш мақсадга мувофиқмикан?...

Қайнота телефон гўшагини кўтариши билан қарадорлик борлиги аввал ўзбек тилида, кейин русчасига маълум қилинди. Ҳозир ҳаммада уяли алоқа воситаси бўлгани билан уй телефони ҳам эҳтиёж бор. Икки-уч сафардан бери телефон хизмати учун пул тўлагаини бориб, 18—20 минг сўмлик тўлов зиммаларига тушгани учун тарвузи кўлтигидан тушиб қайтан эди, бу сафаргиси ҳам худди шундай. Келинининг «иши»-да, соатлаб қизлик хонадонни, аниқроғи онаси билан бўлар-бўлмас мавзуларда гаплашиб ўтиради. Белгиланган лимитдан ортиқча гаплашиш оила бюджетига зарар келтиришини ўйлаб ҳам кўрмайди. Қайнота эса «Телефонда камроқ гаплашсангиз бўлмайми?» деб айтолмайди, сиклади, хаёлан айтмоқчи бўлган гапларини яна ичига ютади. Бу ёғи қон босимининг кўтарилиши, юрак хуружи...

**Раҳбарлик одобида андиша**

Ҳаёт — улкан уммон. Унинг шарқираб оқётган оқимида сузиш, сокинликка ёки шафқатсизликка дуч келганда айюҳаннос солмасдан, оғир-босиқлик билан вазиятдан чиқиб яна андиша деб аталмиш хислатни талаб қилади. Айнқиса, раҳбарлик лавозимда ишлаётган кишининг етти ўлчаб бир кесиши, ўз жамоасида соғлом ва барқарор муҳитни яратиш-

**даги 1-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, «Шуҳрат» медал соҳиби:**

— Раҳбар ўз феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари билан ҳодимларига намуна бўлиши керак. Баъзи ходимлар раҳбар тўғрисида бўлмағур гаплар тарқатса, унинг устидан бўлар-бўлмас фитна уюштирса, у тўнини тескари кишиб иш тутмаслиги керак. Ана шундай пайтда айрим раҳбарлар андишасизликка бориб, ўша ходимнинг кўнглидаги алангани баттар кўр олдириши мумкин. Ақли раҳбар нима қилади? Менимча, юмшоқлик билан қилинган муомала, ўша одамнинг хато қилаётганини ётиги билан тушунтириш вазиятини яхши томонга ўзгартиради. Баъзан ота-оналар, ўқитувчилар ҳузурингизга кириб, қаттиқ-қойим сўзларни айтиш орқали ишингиздаги хатоингизни топгандек ва гўёки улар чиндан ҳам ҳақдек таассурот уйғотади. Ахир, иш жараёнида камчиликка йўл қўймаслик мумкин ҳам эмас-да. Сабр-тоқат билан уларни тинглаган, тинчлантиришга уринган раҳбар ютади. Эшитиб, кўриб тураман, айлан мансабдор шахслар воқеликнинг асл мазмунини англамай туриб ёхуд атрофига тўлаши олган ғаламис кимсалар фикрига таяниб, жамоасидаги шижоатли, қасбига садоқатли, ҳалол ва пок ниятли ходимлар шаънига таъна-маломат ағдарishi натижасида ўз андишасизликларини кўрсатадилар. Бироқ даққи-дашном эшитган ҳалиги ходим барибир раҳбарга нисбатан андишали бўлишга интилади, чунки у қачондир ҳақиқат қарор топшига ишонади.

**Ийдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил**

Ҳар жиҳатдан мукамал бўлиш мумкинми? Бу савол одамзотни азал-азалдан қизиқтиради ва ўйлантиради. Инсоний фазилатларнинг аксариятини ўзида мукжасмлаштира олган кишининга «мукамал» деб айтишга қис-

**Xislat**

ман ҳақироқмиз. Чунки у динатни ҳамма нарсадан устун қўяди, ҳалоллик—шиори, мард бўлгиси келади, сабр-қаноатни ёқлайди, кези келса, хайр-саховат қилиб, бундан завқланади ва албатта, андишани ҳам сақлай билади. Аслида элнинг назарига тушган, обрў-этиборли, юксак мартабали замондошларимиз бундай фазилатларни эгаллашга ўз оилавий муҳитларида замин яратган бўладилар. Ўзбек оилаларида бола тарбиясининг аксарият қирраларини ўрганган, ҳаётий қузатишларини илмий жиҳатдан асослаган олимлардан бири — **Ойша Тўраева** андишанинг муомала одоби билан чамбарчас боғлиқ эканлигини шундай шарҳлайди:

— Инсонга сўздан кўра кучли таъсир қиладиган восита йўқ. Сиз бировларга сўз орқали таъсир қилиб, уни қулдиришингиз ёки йиғлатишингиз мумкин. Бу андиша ёки андишасизлик орқали намоён бўлишини унутмаслик керак. «Ийдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил», дейди халқимиз. Халқ ҳикматлари тағида фикр-мулоҳаза кўллигини педагог-мураббийларимиз унутмасалар, дейман. Фараз қилайликки, битта синфда 28 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлса, гўёки уларнинг ҳаммаси бир хилдек—ёши, бўй-баста, фикрлаши ўхшаш. Аслида ундай эмас, улар бир-биридан тамоман фарқланади. Ўқитувчи томонидан айтилган умумий гап болаларга 28 хил таъсир қилиши мумкин. Чунки уларнинг оилавий муҳитлари ҳар хил, синфда 28 хил характер шаклланмоқда. Баъзи ўқувчилар дарс қилишга улгурмаётганликлари сабабли ўз кучига ишончини йўқотиш даражасига ҳам бориб етадилар. Бундай ҳолда ўқитувчи ёки ота-она «Сен одам бўлмайсан, хайф сенга» дея андишасизлик қилса, қатъий оҳангда дашном берса, билинги, қиш болада ўқишга нисбатан қизиқиш сўнади, энг ёмони, эшитгани ва кўрганларини у ҳам ўз ҳаётида такрорлашни ўрганади. Боланинг ўрнига ўзини қўя оладиган, ундаги кечинмаларни хис қила билган андишали педагог, андишали ота-она бошқача йўл тутди. У ақл-мулоҳазани хиссиётдан устун қўйиб, боладаги нуқсонни мулоиймлик билан барфарақ этади, озгина муваффақиятини эътироф этиб, руҳлантиради.

**Яна бир кўриниш**

— Болам, овсинингизнинг олдида қизангизни ҳадеб эркалайверман, андиша сақлан, руҳан эзлиб юрган аёл буни кўнглига олади, — дея ўқитирида қайнона келинларидан бирига.

Жувон индамайди, оналик меҳри ошиб-тошиб кетса ҳам овсининг қаршисида фарзандини намойишкорона ўйиб-қучишдан ўзини тияди, бу билан ақин инсонининг дилини вайрон этишдан чекинади...

**Бу айнан ўзбек хонадонларида кузатиладиган андишадир...**

Мовий денгиз сокин чайқалмоқда. Узоқдан оппоқ рангдаги улкан кема кўзга ташланади... Кўнгил тубига беркинган ҳислар, илиқ туйғулар аста шу беадад уммон юзасида балкигандек бўлади. Куёшнинг заррин нурларида кўм-кўк сув жилваланиб кўзларни қамаштиради... Келинг, мана шу ҳаёллар тизгинини бой бермай, бир лаҳза денгизларга саёхат уюштирамиз.

Биласизми, дунё океанларининг бир қисми бўлган денгизлар ўзининг турфа хил флора ва фауна олами билан бир-биридан ажралиб туради. Ўзига хослиги ва гидрологик хусусиятларига кўра, денгизлар уч гуруҳга бўлинади: 1) ички денгизлар (Ўрта ер денгизи ва унга ярим туташ денгизлар), 2) ташқи денгизлар, 3) ўрта денгизлар. Географик жойлашувига кўра, материклараро ва материк ичидаги денгиз гуруҳлари мавжуд.



O'rta yer dengizi

Денгиз суви тузилиши ва хоссалари жиҳатидан океан сувларидан деярли фарқланмайди. Дунё океанлари сувининг ўртача шўрлиги 35 фоизни ташкил этади ва сатҳининг 34—36 фоиз қисми доимий тебраниб туради. Худди шунингдек, денгиз сувининг ҳам ҳар бир литрида 35 грамм туз (тузнинг асосий қисмини натрий хлорид ташкил қилади) йиғилиши аниқланган.

### ДЕНГИЗ СУВИ НЕГА ШЎР?

Денгизлардаги шўрланишга оид илк илмий изланиш 1715 йили Эдмунд Галлей томонидан олиб борилган.

Бир неча йиллар ўтиб, Галлейнинг тадқиқотлари тақомиллаштирилган ҳолда денгиз сувининг шўрланишида океанларнинг таъсири катта экани исботланди. Яъни, денгизлар шўрланишининг илк босқичда океан тубидан оқиб бориб қўшилган натрийнинг муҳим ўрни борлиги аниқланди. Шунингдек, вулконлар отиши натижасида ерости қатламидан ажралган тузлар ва улар (туз кислоталари) каби унсурларнинг алаҳқабат қўл ва денгизларга оқиб тушиши ҳам шўрланишининг кучайишига сабаб бўлар экан.

Ҳар кун дунёнинг қайси-дир мамлақати ҳудудида сув тошқини, кучли торнадо ёки ер силкиниши кузатилади. Айрим минтақаларда эса йирик нефть платформаларида техноген ҳалокатлар ҳам содир бўлиб туради. Холбуки, нефть қондиқларининг денгизга ажралиши

фақатгина платформаларнинг ҳалокатга учраши орқали юзага келмайди. Унинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор... Афсуски, буларнинг барчаси океан ёки денгиз сувларининг таркибдан "бузилиши" ҳамда фауна ва флора дунёсининг талофат кўришига сабаб бўлаётди.

### ЭНГ КЎРКАМ ДЕНГИЗ

Қизил денгиз — сайёрамиздаги энг илиқ ва шўр денгизлардан бири бўлиб, у 30—40 миллион йиллардан буён мавжуд. Тарихга назар ташласак, унда қадим Рим, Юнонистон ва Миср аҳолиси балиқ овлаган. Бугунга келиб эса Қизил денгиз соҳиллари энг гавжум, энг қиммат дам олиш масканларига айланган бўлиб, йилга миллионлаб фойда олинмоқда.

450 минг квадрат километр майдонга «ёйилган» Қизил денгиз Ҳинд океанидан ҳам "сув ичади". Арабистон ярим ороли ва Африканинг шимоли-шарқий ҳудудида ястанган ушбу денгизнинг чуқурлиги 3000 метрдан ошади.

Табиийки, денгизнинг барча хусусиятлари ҳақидаги маълумотларга кўра, одамларни кўпроқ унинг нима учун «Қизил денгиз» деб аталгани қизиқтиради. Биринчи ва асарият олимлар томонидан эътироф этилган тахмин — денгиз сувига синчиклаб разм солинса, унинг тубида қизил рангдаги денгиз қоялари кўринади гўё. Аслида мазкур қоялардаги қизиллик уларнинг қўш нурини қай-

тара олиш хусусияти борлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, қадимги денгизчилар бу уммонга «Қизил денгиз» дея ном беришган. Ажабланарлиси шуки, денгиз сув ўтлари мавсумий ўсиш пайтида

лан туташади. Денгиз номи лотин тилидаги «Mare Mediterranea», яъни «ернинг ўртасида жойлашган» бирикмасидан олинган. Бу номи илк бора антик давр адабиёти намояндаси Гай Юлий Солин ишлатган экан. Ушбу баҳр неча асрдан буён

### Bilasizmi?

гизни «янги меҳмонларни хушламас денгиз» деб аташган. Бошқа тарихий манбаларда (blacksea.org) эса «Темарун», «Киммер», «Ахшаэна», «Скифлар маскани», «Мовий денгиз», «Уммон», «Муқаддас уммон» номи билан аталганини учратиш мумкин.

Унинг нима учун «Қора денгиз» деб аталари ҳақида ҳам турли фаразлар учрайди.

«Қора денгиз» деб аталанишининг ҳақиқатга яқин сабаби шуки, денгизнинг чуқурлиги атиги 200 метр. Денгиз туби сув сатҳига яқин бўлгани боис ҳам у қорамтир рангда кўринади. Аслида эса бошқа денгизлар каби «Қора денгиз»

# УММОН СОЯЛАРИ

қизғиш-жигарранг тусга ҳам киради.

Тилшуносларнинг аниқлашича, «қизил денгиз» атамаси қадимги Миср тилидан олинган бўлиб, у «дешер», яъни «қизил» деб номланган. Шунингдек, Миср саҳроси ҳам бир вақтлар «та-дешер», яъни «қизил ер» деб аталган кўнра манбаларда келтирилган.

Айтиш мумкинки, «Қизил денгиз» суви биллурдек тиниқ ва тоза туради. Шимолий ярим шарда жойлашган бошқа ҳеч бир денгизда ундаги каби маржонлар, ўсимликлар ҳамда денгиз жониворлари, мўъжизавий кўриши, ранг ва шаклдаги моллюсклар учрамайди.

### ЭНГ ЙИРИК ДЕНГИЗ

Сайёрамиздаги энг катта — Ўрта ер денгизи таркибига Мармар денгиз, Қора денгиз ва Азов денгизи киритилган. Бундан ташқари, яна бир неча кичик турдагилари ҳам мавжуд: Альборан, Баллар, Лигур, Тиррен, Адриатика, Ион, Эгей, Крит, Ливия ва Кипр денгизлари.

Денгизнинг энг катта қўлтиқлари Валенсия, Лион, Таранто саналади. Унинг бағрида кўнмин топан энг йирик оролар — Корсика, Сардиния, Крит ва Кипр.

Ўрта ер денгизининг тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Ҳозирги Ўрта ер денгизи дастлаб жуда катта ҳудудни эгаллаган бўлиб, бир «учи» Шарққа етиб келган қадимги Тетис океани реликтлари (қадимги даврлар қолдиғи сифатида сақланиб келган нарса), ҳодиса ёки организм) саналади.

Ўрта ер денгизи — сайёрамизнинг қоқ марказида жойлашган. У Фарб томондан Гибралтар бўғози орқали Атлантика океани би-

Европа ҳамда «қора қитъани» ўзаро боғлаган ягона «кўприк» мисол кўплаб тақдирларга тилсиз гувоҳдир.

Олимларнинг изланишлари асосида берган хулосасига кўра, ҳозирги Орол денгизи, Каспий денгизлари ҳам ушбу йирик денгиз (океан) реликтлари ҳисобланади ([www.nature.com](http://www.nature.com)). Қизилкарлиси, агар Тетис океанининг энг катта «бўлаги» — Ўрта ер денгизи фақат Шимолий Африкадан Пиреней оролларигача улкан сувлиқдан иборат бўлса, у мавжуд бўлган қадим даврларда то Шарққа қадар оралиқда бирорта ҳам қуруқлик учрамаган.

2500 минг квадрат километр майдонни эгаллаган денгиз қирғоқлари Испания, Франция, Монако, Италия, Словения, Хорватия, Босния ва Герцоговина, Черногория, Албания, Греция, Туркия, Кипр, Ливан, Исроил, Тунис, Жазоир ҳамда Ливия сингари БМТга аъзо 20 га яқин мамлакатга тегишlidir. Унинг сув ҳавзаси ҳажми 3839 минг квадрат километрни ташкил этади.

### ЭНГ «ЁШ» ДЕНГИЗ

Қора денгиз — ер шарида энг ёш денгизлардан бири саналади. Тарихчиларнинг тахминий хулосаларига кўра, бундан 8000 йил муқаддам денгиз ўрнида қўл бўлган. Экотизимининг ўзгариши натижасида унинг майдони, сув таркиби, флора ва фауна дунёси ҳам турланган.

Денгиз вужудга келгандан бери турлича аталиб келган. Масалан, қадимги грек денгизчилари бу ден-

суви ҳам тиниқ ва шаффоф.

«Қора денгиз»га кўплаб дарёлар келиб қуйилади. Доимий янгиланиб тургани боис ушбу денгиз суви бошқа денгизлар каби жуда ҳам шўр эмас (1 литр сувда 17 грамм туз борлиги аниқланган). Балки шунинг учундир, «Қора денгиз»даги тирлик хилма-хил, табиат жуда ажойиб ва улар кишини ҳайратга солар даражада гўзал. Денгиз чиганоклари, митти балиқчалардан тортиб йирик денгиз мушугача мовий денгизга ўзгача сеҳр улашиб туради.

Сув — азалдан тозалик, мусаффолик, поклик рамзи саналади. Халқ оғзаки ижодида ҳам, қадимги афсона асотирларда ҳам зилол сув қудратли кўчга эга унсур сифатида ардоқланган. 1978 йили Халқаро денгиз ташкилоти ҳам ана шу омиллари инобатга олган ҳолда 17 мартни «Жаҳон денгизлари кунини» сифатида нишонлаш таклифи билан чиқди ва бу кун БМТ халқаро кунлар рўйхатида киритилди.

Мақола аввалида фикр юритганимиздек, инсон кайфиятига яқин сирдош бўла оладиган денгизларга назар ташлаган одам унинг мавжлариде вужудидеги оғриқлар, кўнглидаги доғлар ювилиб кетаётганини ҳис қилади, энгил тортади. Мовий осмонда кенг қанот ёзиб, у томон охишта учиб келаётган оқушлар эса янги кундан умид, ёруғ келажакдан хуш мужда олиб келаётгандек туюлади ва у беихтиёр шивирлайди: «Ҳаёт нақадар гўзал!».

Шаҳина ЖҲҲАЕВА

## КАДИМИЙ БИНОЛАР ТОПИЛДИ

Иордания шаркида салкам 20 минг йил илгари барпо этилган бино қолдиқлари топилди. «PLOS ONE» журналида мавзуга оид мақола чоп этилди.

Таъкидланишича, мазкур бинолар қиролликнинг энг «кекса» иншоотлари ҳисобланади. Улар Яқин Шарқда ўтrock ҳаётга туртки бўлган ишлаб чиқариш ҳўжалигининг ўтrock келишидан ҳам олдинги даврда барпо этилган экан. Буюк Британия, АҚШ, Дания ва Иордания археологлари томонидан топилган бу иншоотларда узоқ муддат овчилар истикомат қилган, дея тахмин қилинмоқда. Улар ерга қурилган бўлиб, деворлари узунлиги 2-3 метр атрофида экан. Девор ва томлари ёғочдан қилинган ушбу уйлار тахминан 18 600—19 300 «ёш»да, дея таъкидланмоқда.



## ЎРМОНЛАРНИНГ ЭНГ АНИҚ ХАРИТАСИ

Халқаро олимлар гуруҳи ва НАСА мутахассислари томонидан сайёрамиздаги барча ўрмонли ҳудудларнинг энг аниқ харитаси тузилди, дейилади «Лента» манбасида.

Таъкидланишича, мазкур харита биомасса ва унда тўпланган карбонат ангидрид захираларини ҳисоб-китоб қилишда, айниқса, қўл келар экан. Шунингдек, харитадан иқлим ўзгариши ва ёввойи табиати ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Харитани тузишда НАСAnинг «ICESat» сунъий йўлдошидаги лазерли геофизик ускуна орқали амалга оширилган 2,5 миллионга ўлчовлар асос вазифасини ўтади. Бу натижалар ердаги 70та станция маълумотлари билан солиштирилди, «Терра» сунъий йўлдоши ёрдамида ҳамда «Шаттл радар топографа мишн» ва «Тропикал рейнфол мижуринг мишн» дастурлари доирасида олинганлари билан тўлдирилди.



Япониянинг «Ниссан» компанияси ўз мижозларидан автомобилалари моторларидаги носозликка доир олган шикоятларга қўра дунё микёсида сотилган 250 мингта автомобилаларни қайтариб олишга қарор қилгани ҳақида хабар берди.

АҚШнинг «ЕхонMobil» ва Руминиянинг «Petrom» компаниялари томонидан Қора денгизнинг шельфи (қуруқликка туташган сувости текис жойи)да йирик газ кони топилиб, унинг захиралари 84 миллиард куб метрни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

## КўЗИ ОЖИЗЛИККА ДАВО ТОПИЛДИ

Халқаро олимлар гуруҳи кўзи ожизликка олиб келадиган ва камдан-кам учрайдиган ирсий касаллик — Лебер амаврозини ген муҳандислиги ёрдамида самарали даволаш мумкинлигини маълум қилди. Бу ҳақида «Би-Би-Си» хабар берди.

Таърибанинг дастлабки босқичида кўз тўрпардасининг генетик ҳасталиги ҳисобланган тугма Лебер амаврози аниқланган 12 нафар бемор иштирок этган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур ҳасталик аниқланганда кўздаги ўта сезувчан ҳужайралар қайта тикланмайдиган ҳолда нобуд бўлиб, оқибатда бу кўз хираланиши, кўзи ожизлик ва қорачиқнинг ёруғликка сезувчанлигининг йўқолишигача олиб келиши мумкин.

Жараёнда умуман кўриш қобилиятини йўқотган ҳар бир иштирокчининг бир кўзига RPE65 гени-маҳсув вектор киритилган. 2008 йили ген муҳандислиги орқали илк даволаш синовлари натижалари таҳлил этилганда бирор-бир акс таъсир аниқланмади. Шундан сўнг навбатдаги босқичда уч нафар иштирокчининг иккинчи кўзига AAV2-hRPE65v2 ген асосида тайёрланган дори киритилган. Бу эса ўз навбатида кўриш қобилиятининг янада яхшиланишига олиб келган: шундан сўнг қатнашчилар қоронғуликда ҳам кўриш, одамларни юзларига қараб таниб олиш ва ҳатто бемалол кўчага чиқиш имконига эга бўлишди.

Яқунда магнит-резонансли томография ёрдамида ўтказилган текширув турли объекتلарни томосха қилганда миёдаги кўриш функциясини bajaruvchi қисmlарнинг чиндан ҳам фаоллашганини кўрсатди.

## ДНК — САРАТОННИ ЕНГИШ ВОСИТАСИ

Вашингтон университети олимлари Янги авлод ДНК занжири кетма-кетлигини аниқлашнинг сўнгги технологиялари орқали кўп турдаги саратон касалликларига бўлган ҳамда иммунитетни «нишон»га оладиган оксилни пайдо қиладиган генетик мутация (ўзгариш)ни топишга муваффақ бўлишди. Бундай мутацияларни бартаф этиш орқали саратонни енгилга имкон туғилмоқда. Ушбу янгилик HealthCanal.com. порталида берилди.

Жараёнда профессор Роберт Шрайбер раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи соғлом ва саратон тўфайли зарарланган ҳужайралар генетик маълумотларини солиштириб, 3743та мутацияни аниқлашган. Шундан сўнг улар иммунитет ҳужайраларига катта таъсир ўтказадиган оксилларга эътибор қаратишган. Яқунда олимлар иммунитетни ёт таъсирларга тез жавоб беришга ундовчи оксилларни ишлаб чиқарадиган бир нечта генини таллаб олишди. Хусусан, улардан биттаси спектрин-бета2 гени барча турдаги саратон ҳужайраларида бўлиб, айна пайтда унга иммунитет таъсир қилолмас экан.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, бугун саратон ҳужайралари геномини аниқлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар аслида касалликни келтириб чиқарувчи турли мутацияларни топишга йўналтирилган. Мазкур тадқиқот эса ДНК занжири кетма-кетлигини аниқлаш иммунитет тизимининг саратон ҳужайраларига қарши курашишга кўмак берувчи кўшимча маълумотни тақдим этиши мумкинлигини кўрсатди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Халқ таълими вазирлигининг Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги «Мақтаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич» лойиҳасининг 2-компоненти умумтаълим мактаблари директорлари ва ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари мудиралари ва тарбиячиларининг ишдан ажралмаган ҳолда малакасини ошириш тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Мазкур компонент доирасида мактаб директорлари ва ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари мудиралари ва тарбиячиларини ўқитиш бўйича семинарлар ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ўқув модуллари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда мазкур ўқув модуллари қайта ишланмоқда.

«Мақтаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич» лойиҳаси ўқув семинарларида фойдаланиладиган ўқув-методик комплексларини қайта ишлаш мақсадида муаллифлар таркибини таллаб олиш ва тасдиқлаш учун

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги ўқув-методик комплекслар бўйича танлов ўтказилади:

Т/р	Номи	Ҳажми	Нашр этиш тили
1.	Умумтаълим мактаблари директорлари учун ўқув модуллари	43 б.т.	ўзбек
2.	Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун ўқув модуллари	43 б.т.	ўзбек
3.	Мактабгача таълим муассасалари мудиралари учун ўқув модуллари	43 б.т.	ўзбек
4.	Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун ўқув модуллари	43 б.т.	ўзбек

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади. Танловда таълим муассасалари учун ўқув адабиётларни яратиш малакаси ҳамда малака ошириш соҳасида камида 5 йиллик иш таърибига эга бўлган олий маълумотли мутахассислар қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган қатнашчилар танлов асосида қайта ишланиши зарур бўлган ўқув-методик комплекслар концепцияси (0,5 босма табоқча), ўқув модулининг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма табоқча) ҳамда семинарнинг бир кун ишланмасининг намуна матнини Танлов комиссиясига 2012 йил 5 март куни Тошкент вақти билан соат 16:00 га қадар топшириши керак.

Танловда қатнашиш истагида бўлган шахслар Танлов ҳужжатлари ҳамда танловга оид қўшимча маълумотни эълон чиққан кунидан бошлаб ҳар кун Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 18:00 гача кўйда қўрсатилган манзилдан (Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5. Халқ таълими вазирлиги, «Мақтаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич» лойиҳаси. bep4598uzb@gmail.com) ҳамда Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтидан (www.uzedu.uz) олишлари мумкин.

Боғланиш учун телефонлар: 2394547, 2391482.

Италия Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги табиатга етказилган зарарни ҳамда қутқарув ишлари харажатларини қоплаш мақсадида жорий йил 14 январда Тоскана соҳилида ҳалокатга учраган (бунинг оқибатида 32 нафар инсон ҳалок бўлган) «Costa Concordia» кемасига эғалик қилувчи компанияга нисбатан даъво аризасини тақдим этди.

Россиянинг Ханти-Мансийск автоном ҳудудида 10 миллиард тонна нефть топилганидан сўнг янги конларни аниқлашга қаратилган ишлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори бир неча ўн баробарга оширилиб, 2012 йили 30 миллиард рубль ажратилиши маълум қилинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳоннинг йирик компьютер техникаси ишлаб чиқарувчи «Холлетт-Паккард» («Hewlett-Packard») компаниясининг 2012 йилнинг дастлабки ойлардаги даромади аввалгига нисбатан 44 фоиз (1,47 миллиард доллар)га камайган.

## Ustoznoma

Талабалик йилларимиз 1990 йилларга ўғри келган. Филология факультетининг юқори курс тинловчиларимиз. Курсимиз талабчан, "исёнкор" рок, янгиликларга ўқилиги билан ном чиқарганди.

Адабиёт назарияси фанидан янги келган ўқитувчи дарсини доскага Абдулла Ориповнинг шеъринан бир сатрни ёзиш билан бошлади: «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...». Ушбу сатрни тахлил қилишни биздан сўради. Афсуски, шеър, унинг тахлили деганда фақатгина умумий галлардан бошқасини билмасдик. Қисқаси, янги ўқитувчи ҳақиқий шеър, унинг чуқур илмий тахлили қандай бўлиши кераклигини ўзи тушунириб, амалда кўрсатди. Кўз олдимизда адабиётнинг янги олами очилган эди гўё. Шеър техникаси, динамикаси, поэтикаси — барчаси бизни ҳайратлар дунёсига етаклади. Ўқитувчимиз бизга Сўзнинг яширин ранглари жилоларини борица ошқор қилганди. Шу тарих Сўзнинг чексиз қудрати, маҳобати, илоҳийлигига яна бир бора кўнгилландик. Таассурот, ҳайрат чексиз. 90 дақиқалик дарс шеърнинг бир сатрига бағишланди. Ҳеч ким зерикимиз билмади. Чамамда, ҳар бир талаба шеърдан ўз-ўзича кўнгил оламини кашф қиларди.

Бизни асл адабиёт, гўзал шеър билан илк тўқнаштирган ушбу янги ўқитувчи — эди олим Сувон Мелиев эди. Устоз бутун курсимизни асл Моҳият томон етаклашга муваффақ бўлган, десақ муболага бўлмайди. Уша йили филология факультети талабала-

рида ўзгача кўтарилиш, маънан улғайиш сезилганда, назаримда. С.Мелиев ниҳоятда талабчан, самимий, кучли педагог-олим сифатида талабаларда хурмат уйғотди.

Домланинг саъй-ҳаракати билан бизга махсус курсдан "Шеър санъати" бўйича Абдулла Ориповнинг ўзи маърузалар ўқиган. Ўқитувчимизнинг ҳеч кимга ўхшамаган дарс ўтиш услуби билан талабалар адабиётнинг сирли олами асирига айландилар. Домланинг қизиқ одати бор, доим: "Маънили, ақлли кўзлар, чехрасида нури борлар олдинроқда ўтирсин, ил-

ҳақидаги ҳар бир фикрни, таҳлили эринмасдан аштарди. Ҳар кимнинг ўз айтар сўзи бўлиши тарафдори эди. Ўз сўзига эга бўлиш эса инсоннинг Шахс мақоми томон ташланган илк қадами ҳисобланади. Ўз сўзига эга талаба дунёни бошқача кўз билан кўра бошлайди. Эртанги кун адабиёт муаллимлари дарсларини ҳиссиз, дардсиз ўтишлари асло мумкин эмас, уларда дард бўлиши шарт, ҳар бир дарсни "ёниб" ўтишлари зарур. Дунёда қилинажак ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Дард доимо ин-

берган баҳосида бosh белгилоччи омиллар Мантик, Холлислик, Аниклик, Талабчанлик. Бу хислатлар унинг учун ҳар вақт бирламчи бўлиб келган. Жаҳон ва рус адабиётшунослигидан етарлича хабардорлиги ижодий фаолият қирралари кенгайишига имкон яратди. Сувон Мелиев тахлилда доимо катта адабиётга таянади. Шекспир, Бальзак, Пушкин, Толстой, Достоевский кабилар асарлари унинг фикрларини асослаш учун таълим манба. Домла ўлчовни доимо катта адабиётдан олади.

Олим ўзбек адабиёти назарияси, шеър техникаси тах-

# ФИКР ИСТАГАН ОЛИМ

тимос. Ҳиссиз кўзлар дарс ўтишда менга ноқулайлик туғдиради" дерди. Бироз дагалроқ эшитилса-да, аччиқ ҳақиқат доимо кескинлик билан бирга туғиларди. Шундан кейин ҳақиқат билан мурося қила олмаган "ҳиссиз кўзлар"да ҳам ўз-ўзидан норозилик пайдо бўлиб, ўз "ичкарисини" тафтиш қилиш бошланарди.

Устознинг ташаббуси билан институт газетасида талабаларнинг ижод намуналари мунтазам эълон қилиниб турарди. С.Мелиев ҳар бир янги илмий мустақил фикрни жуда қадрлар, сабоқ бўларлик таърифлаш фақат катталарда эмас, балки ёшларда ҳам бўлиши мумкин, дерди. Янги асар

сонга йўл очади. Қалби ёниқ, руҳан уйғоқ ўқитувчилар миллатнинг, шу юртнинг эртасини тарбиялайди. Юрагида ўт солади, фикрга қорлайди. Эътибор берган бўлсангиз, қалби уйғоқ бир устознинг хизмати миллат равнақи учун қанчалар қимматли...

Аслиятни кўриш, ўқий билиш эса эгасидан бюрирланганига насиба. Адабиёт илмининг билимдони Сувон Мелиев ҳам бундан бенаиб эмас. У чинакам олим, ақл-заковати, теран тафаккури, зийрак илгари, мақолаларидаги чуқур илмий тахлилларга бой мулоҳазалари билан адабиётшунослик илми ривожига муҳим ҳисса қўшиб келаёттир. Олимнинг ўзбек адабиётига

линини ўзининг теран мақолалари билан бойитди. Унинг "Лирик фожелик", "Комик катарсис", "Ўғригина боланинг иззати ёҳуд меҳр сеҳри", "Асл адабиёт — эзуғликка хизмат", "Данте ва Навоий", "Навоий ва Платон" каби тадқиқотлари аниқ назарий илмий муаммонинг ечимига бағишланган, ҳар бири ўзининг аниқ эстетик концепциясига асосланган.

Бадий асар тилсимли олам, устоз шу сирли дунё эшигига калит тоғналардан. Домла сўзнинг мағзини, қудрати, оҳангини жуда яхши ҳис қилади. Бадий сўз салмоғини англай билади. Устоз содда, раво, илмий фикрлашни талаб қилади. Сўзнинг хайр-

лиси далолатга бой бўлганидир. Адабий танқидчи халқнинг «тил учидиға» сўзини топа биллиши ва самимий, холли болаши шарт. Тахлилда: «Сиз танлаган образнинг бадий юки борми, бошқа образлар билан туташадими, асарнинг ички «қизил чизиги» ни тоғдингизми, мафкура билан чалғиманг, моҳиятга эътибор қаратинг, жаҳон адабиётда ана шу тилдаги образлар борми? Асардаги муаммонинг илдизини тоғиш лозим. Ҳар бир шеърдаги калит сўзини билиш шеърни англаб етмоқдир. Бадий асарнинг умуртқасини топсангиз, бадий хужайраларнинг ўзаро бирикшиши, тўқимасининг тузилишини билган бўласиз». Ҳар бири адабиётшуносликка алоҳида тамойил бўладиган кўрсатмалар. Домла доим устози Матқуб Қўшқоновнинг мана бу галларини таъкидларди: янги фикр туғилди, дарров қозғога туширинг. Оний туйғу — илоҳий бўлади, қайтиб тақдорланмайди!

Миллат маънавияти юксалса, бадий тафаккури, диди ҳам ўсади. Бадий тафаккур улғайса, миллий дид шаклланади, миллий дид шаклланган бўлса, миллий иммунитет ҳам мустаҳкам бўлади. Домладан ҳали ўзбек адабиётини жаҳон илмий тамойиллари асосида тахлил қилиб, нақадар бой адабий меросимиз борлигини исбот қилувчи бақувват илмий талқинлар кутиб қоламиз.

Санобар ТўЛАГАНОВА,  
ЎзРФА Тил ва адабиёт  
институтини илмий ходими

Инсон ҳаётининг мазмуни унинг эзгу ишлари билан баҳоланади. Ҳар бир кунимизни яхши ниятлар билан бошлаб, яхшилик билан ўтказишга одатлансак, ҳаётимиз янада нурафшон бўлаверади.

Наманган давлат университетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, тумандаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаган Муҳаддас Фазлиддинова дилда ана шу мақсадни шир қилган ҳолда фаолиятининг дастлабки йиллариданқ интилиш ва изланишда. Шогирдларига рус тили фанидан сабоқ берар экан, хоржий тилини ўрганиш кишида, аввало, ўз тилига меҳр-муҳаббат туйғусини янада ошириши лозимлиги, ана шу буюк робита воситасида



да ўзига хос ташаббус кўрсатиб келмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ҳам соғлом муҳити шакллантириш, таълим-тарбияда масъулликни ошириш унинг асосий мақсадиға айланган. Айни пайтда М.Фазлиддинова туман Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси раиси сифатида иш олиб бораётти.

— Давр бугунги кун раҳбаридан катта масъулият, билимдонлик ва илгорлиқни талаб этади, — дейди у. — Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан таълим соҳаси ривожини учун яратиб берилётган бугунги шарт-шароитларга муносиб ишламасликнинг ўзи катта айб. Раҳбар ҳар бир хизмат вазифасидаги ходими ва шогирдлари

## КўПНИНГ ИШОНЧИ — ҚАНОТ

ҳар биримиз халқимизнинг гўзал кадрятлари, боқий ҳикматларинан бошқа миллат вакиллари ҳам хабардор қилишга интилишимиз ҳар бир ўқувчининг бурчи эканлигини таъкидлашдан чарчамайди. Халқимизнинг бебаҳо даҳоси, илм-фан, санъат, адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини бутун жаҳонга ёйиш шу халқнинг тил билган ҳар бир фарзанди учун бурч эканлигини кўп бора ўқтиради.

Бир сўз билан айтганда, у болаларга шунчаки рус тилини ўргатиш билан чекланмайди. М.Фазлиддинова педагоглик фаолияти билан бирга Халқ демократик партиясининг туман кенгашида ҳам ишлаб, ҳукуватимиз томонидан фан, таълим, мусяга ва санъат соҳасига қаратилётган юксак эътиборга муносиб равишда бу борадаги ишлар қўламини сифатини ошириш масалаларида туман-

билан самимий мулоқот ўрнатиб, талабчанликни ҳам удалласа айни муттаоидир. Зеро, ёшларнинг келажағи, тақдирига дахлдор амалларни бажаришда йўл қўйилган хатоларнинг салбий таъсири ҳам чуқур бўлади.

Спорт — соғлиқ гарови, деган нақлга таянган ҳолда у фаолият юриётган таълим муассасасида нафақат ўқитувчи ва ўқувчиларни, балки қишлоқ ахли ва ота-оналарни ҳам спорт ва жисмоний мусобақаларга жалб этиш оммалашган. Замонавий спорт зали, болалар уйингоҳлари доимо ўқувчилар билан гавжум. Бажарилаётган ишлар, эзгу истаклар рўёби билан кишини ён-атрофидигилар ишончига сазовор бўлади. Зеро, элнинг назари, кўпнинг ишончи бир қанот, аслида.

М. КҮРБОНОВА,  
Наманган вилояти Чуст туманидаги  
1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

## АРАСТУДАН ИБРАТ ОЛИБ...

Самарқанд шаҳридаги 40-умумтаълим мактабининг тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчиси Феруза Саломова ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик қўриб келади. Муаллима «Сифатсиз ўтилган дарс келажакка қилинган хиёнатдир», деган нақлга амал қилади. Машғулотларида кўргазмали қуроллар, қўшимча адабиётлар ва интернет манбаларига мувожаат қилган ҳолда «Ақлий ҳужум», «Интерфаол», «Конференция», «Гуруҳлараро беллашув» сингари ўнлаб услублардан кенг фойдаланади. У дарсларни Археология институтини ва Археология музейини, Афросиёб тарихий музейини ва шахримизнинг турли тарихий обидаларида ҳам ташкил қилмоқда. Зеро, Арасту ўз шогирдларига ҳар қандай мураккаб мазмуни тушуниришда саҳват дарсларидан самарали фойдаланганини кўп бор ўқиган эди.

— Режа ва мавзуга қараб ҳафтада бир марта дарсларни музей ва тарихий обидаларда ташкил этамиз, — дейди Ф.Саломова. — Ўқувчилар машғулот давомида шахримиздаги ота-болаларимизнинг улкан заковати билан бунёд этилган осори атиқалар билан танишадилар ва тарих фанини чуқурроқ ўрганишади. Таассуротларини ёзиб боришаётгани эса, олган билимларини янада мустаҳкамлайди. Дарсларни музейларда ўтишни бошлаганимиздан муён ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишлари ортиб бораёттир.

Таҳриблик педагогнинг фикрича, ўқувчилар Президентимиз асарларини чуқур ўрганишига, улар ҳаётда ўз йўлларини тоғишда қийналмайдилар. Шунинг учун «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остиносида» китобини ўқиш ва ўрганишлариға алоҳида эътибор қаратапти.

— Бу китобни ўқувчиларга тушунириш жараёнида мустақиллик арафасида юртимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, Ўзбекистоннинг дунё харитасида муносиб ўрин эгаллаши, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ривожланишида ўқувчиларнинг олдига турган вазифалар хусусида чуқур мунозаралар юритамиз, — дейди муаллима.

Дарҳақиқат, Ф.Саломова ушбу асарни ўрганиш жараёнида дарс машғулотларида хужатли фильмлар, газета ва журналлар, қўшимча адабиётлардан ҳам кенг фойдаланмоқда.

ҲАКИМ ЖҲҲАЕВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

# БАДИЙ ГИМНАСТИКА — САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент вилоятининг чекка худудларидан бири — Бўстонлик туманида яшовчи Наргиза Халимова ана шундай мураббийлардан. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатган.

— Хозир қишлоғимиздаги 10-мактабда жисмоний тарбиядан дарс бераман, — дейди Н.Халимова. — Болалигимда болалар шифокори бўлишни орзу қилгандим. Бугун, ҳеч иккинчиси, ана шу орзуимга эришдим, дея олам. Чунки спорт ҳам касалликларнинг олдини олади, танани чиққитиради, характери тоблайди. Бу эса саломатлик гаровидир.

— Бизнинг давримизда жисмоний тарбия бўйича аёл ўқитувчилар деярли бўлмас эди, — дейди тошкентлик Малика Авазова. — Мактабларда ўғил болалар учун ҳам, қизлар учун ҳам бир хил машғулот ўтиларди. Шу сабабли ота-оналаримиз бизни спорт тўғрисида бердиш у ёқда турсин, жисмоний тарбия дарсларига ҳам юбормасликка ҳаракат қиларди. Хозир эса ўзимнинг қизларим бадий гимнастика тўғрисида қатнашади. Бундан жуда хурсандман. Чунки спорт мажмуасида улар учун алоҳида соатлар ажратилган ва аёл мураббийлар тайинланган. Машғулотларга қатнаш бошлагандан буён қизларимнинг қаддиқомати янада қиройли тортиб, саломатлиги яхшиланди. Отаналар учун энг муҳими шу.

Ҳа, бугун ота-оналар қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, балки қаддиқомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини мамнуният билан таъкидламоқдалар. Бу юртдошларимизнинг онгу шуурда спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларнинг тубдан ўзгариши самарасидир. Қолаверса, бунинг учун зарур шароит-шароит, кенг имконият бор.

Илгари бадий гимнастика билан фақат спортчи бўлишни мақсад қилган ёки бунга касб сифатида танлаганлар шуғулланарди. Бундай тўғараклар эса нихоятда кам эди. Жисмоний тарбия дарсларида бадий гимнастика спорт тури сифатида ўтилмасди. Ушбу нафис спорт билан шуғулланувчилар сони Ўзбекистондаги барча қизларнинг бир фоизини ҳам ташкил қилмасди.

Бугунги кунда барча вилоятларимизда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказлар самарали фаолият юритаётди. Бадий гимнастикачиларимиз, кескин рақобатга қарамай, кўплаб халқаро мусобақалар, жаҳон кубоги босқичларида соvrинли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2010 йили Хитойда ўтказилган ўн олтинчи Осиё ўйинларида бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қанчадан-қанча йirik давлатлар вакиллари орасида иккинчи ўринни эгаллагани Ватанимиз спорт ҳаётида тарихий воқеа бўлди. 2011 йилда Францияда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз бадий гимнастика мактаби вакиласи, Осиё ўйинлари соvrиндори Ульяна Трофимова муносиб иштирок этиб, жорий йилда Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиадада йўлланмани қўлга киритди.

Бадий гимнастикани бутун мамлакатимиз миқёсида кенг омалаштириш мақсадида халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчи қизлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилмоқда. Мактабларда жисмоний тарбия фанидан ўқувчиларни баҳолаш мезонларига гимнастика элементлари бўйича саволлар киритилди.

Нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларининг бунёд этилгани ва зарур анжомлар билан таъминлангани самарасида қизларнинг бадий гимнастика билан шуғулланиши имкониятлари тобора кенгаймоқда. 2011 йилда мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қиз болалар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошгани бунинг тасдиғидир.



Албатта, бу қизларнинг ҳаммаси ҳам профессионал спортчи бўлмаслиги мумкин. Аммо жисмоний машқларда тобланган болалар жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб камолга етади, ҳаётга теран қўз билан қарашга ўрганади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, иродасини мустаҳкамлайди.

Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш деганда, аввало, унинг оммавийлигига, спорт билан шуғулланишнинг мунтазамлигига, географиясининг кенглигига эътибор қаратиш керак. Спорт объектилари йилдан-йилга кўпаяётгани, спорт билан шуғулланувчи болалар сони ортиб, улар ўртасида касаллигини даражасининг пасайиб бораётгани бу борадаги ишлар ҳаётда ўзининг юксак самараларини бераётганидан далolatдир.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болаларда спортга иштиёқ ўйғотишда оиланинг ўрни бекиёс. Чунки инсоннинг илк қизиқишлари, турмуш тарзи ва кўникмалари, аввало, оила бағрида шаклланади. Оиласида болаликдан спорт билан шуғулланишга ўрганган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади.

Бадий гимнастика бу жиҳатдан ҳам қўлай ва ҳаммабоддир. У билан оилавий шароитда, мустақил равишда шуғулланиш мумкин. Масалан, обруч айлантириш, бадантарбия қилиш, тўғри овқатланиш каби бадий гимнастика

элементлари ҳар бир қиз учун доимо фойдалидир.

Сир эмас, бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда ортиқча вазнли кишилар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг аксарияти семизлик оқибатида келиб чиқадиган қандли диабет, стенокардия, қон босимининг ошиши ва нафас олишнинг қийинлашиши каби хасталиқлардан азият чекади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг фикрича, семизликнинг кенг ёйилиши тобора хавfli тус олмақда. Бу жараён йилдан-йилга "ёшариб", ортиқча вазнлилик нафақат ўрта ёшли ва кексалар, балки ёшлар ва болалар ўртасида ҳам муаммога айланмоқда.

Ушбу ҳолат бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи австралияликларнинг ҳар бири танани оздирувчи турли дори воситаларига бир йилда ўртача 250 минг доллар сарфлар экан. Аммо бу ҳеч қандай натижа бермагач, мамлакат ҳукумати қарийб шунча маблағ спорт иншоотлари қуришга йўналтиришни маъқул кўрибди...

Ўзбекистонда бу борада мўлжал аввалбошдан тўғри олинди, пойдевор мустаҳкам қўйилди. Бу эзгу ҳаракатлар аллақачон ўз самараларини бера бошлади.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, бунинг учун зарур шароит яратилиб, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти кенг тарғиб қилинмоқда. Шунга қарамай, спорт билан шуғулланишдан тортинадиган ёки унинг соғлиқ учун нечоғли фойдали эканигини тўла тушуниб етмаётганлар ҳамон учрайди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг масъулиятини кучайтириш, спорт билан шуғулланишни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оилавий спортни омалаштириш, хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий органлари, маҳаллалар ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида оилавий спорт ўйинларини мунтазам ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги белгиланди.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган ҳикमत бор. Асрлар оша шаклланиб, аждодларимизнинг ақл тарозисидан, ҳаётий тажрибасидан ўтган бу миллий тугумлар бугун ҳам долзарб. Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар замирида ана шу вазифа — фарзандларимизни оиладан баркамол улағайтиришдек эзгу мақсад муҳассам.

Шу маънода, фарзандини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг нафақат ўз оиласи, балки Ватани олдидаги бурчидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

**АНВАР САМАДОВ,**  
**ЎЗА ШАРХЛОВЧИ,**  
**МУҲАММАД АМИН,**  
**ОТАБЕК МИРСОАТОВ**  
**(ЎЗА) олган суратлар.**

Мардик ва адолатни улуғловчи кураш халқимизнинг халқаро спорт майдонларида чинакам миллий гурури сифатида намоён бўлмоқда. Бунга Президентимиз Ислам Каримов томонидан ташкил этилган Кураш халқаро ассоциацияси (ИКА)нинг амалга ошираётган эътиборга молик саъй-ҳаракатлари, дунёнинг турли мамлакатларида мунтазам равишда ўтказилаётган жаҳон чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар сабабдир.

Ана шундай улкан аҳамиятга эга мусобақалардан бири — кураш бўйича ёшлар ўртасидаги VII жаҳон чемпионати шу йилнинг октябрида Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Миллий мат-

## Kurash

ча жаҳон чемпионати ўтказиладиган Борнмут Олимпиада ўйинлари сифидан жой олган елканли қайиқда сузиш спорти баҳслари бўлиб ўтади. Қолаверса, Британия билан, у ерда фаолият юритаётган Британия Кураш ассоциацияси билан ҳам илқ му-

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — ЮКСАК ЭЪТИРОФ

буот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари, КХА масъуллари ҳамда мутахассислар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

— Бу йилги жаҳон чемпионати Британияда ўтиши беҳиз эмас, — деди КХА бош котиби Умид Ёқубов. — Боиси, 2012 йили Лондон шаҳри спорт бўйича йилнинг бош мусобақаси — ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилади. Табиийки, бутун дунё нигоҳи айнан Англияга қаратилади. Кураш бўйи-

носабатдалигимиз ушбу ташкилот ташаббуси билан 2000 йилдан буён Лондонда аънавий Ислам Каримов халқаро турнири юқори савияда ўтказилиб келинаётганидан ҳам маълумдир.

Ташкилотчиларнинг эътирофига, кураш бўйича жаҳон чемпионати британияликларнинг ўзбек курашига бўлган қизиқишини янада ошириши билан бирга миллий спортимизнинг дунё миқёсида яна бир карра юксак эътирофга сазовор бўлишига хизмат қилади.

**Футбол бўйича Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси Ироққа қарши сафарда ўтказилган муҳим саралаш учрашувида мағлубиятга учраб, қимматли очколарни бой бергач, Лондонда тўғридан-тўғри йўл олиш имконини тақдиримизда лицензия биров сўроқ остида қолгандек...**

## ФАҚАТ ҒАЛАБА ҚУТҚАРАДИ

Сабаби шундаки, Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячилари австралиялик тенгқурларига қарши кечган матчда кичик устунликка (1:0) эришди ва юртдошларимиздан 3 очкога илгариллаб кетди. Бу эса деярли Лондон йўлланмаси учун кураш қайтадан бошланишини билдириши билан бирга, лицензия учун асосий даъвогар бўлган жамоамизни икки карра серлашди. Аммо ироқликларга қарши кечган матчда бунинг тасдигини кўрмадик. Футболчиларимиз учрашувнинг биринчи таймидаги ҳужумкор кайфиятни иккинчи таймда ушлаб тура олмадик.

Шу тарихда Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси Қатарга (Ироқ олимпиячиларига қарши матчи ўтказиш учун) йўл олган чоғда эга бўлиб турган 8 очко юртимизга қайтганда ҳам "сақланиб" қолди. Бир кун кейин Австралия олимпиячиларини енгган Амирлик вакиллари ҳисобида эса 11 очко бор.

Шунга қарамай, ҳамюртларимизда ҳамон ижобий кўрсаткич қайд этиш имконияти мавжуд. Маълумки, "В" саралаш гуруҳидаги сўнгги ҳал қилувчи матч айнан Ўзбекистон ва БАА олимпиада терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтади.

Аниқки, энди Вадим Абрамов шогирдларини мазкур мураккаб вазиятдан фақатгина БАА олимпиячилари устидан қозонишдан (ҳар қандай ҳисобдаги) ғалаба қутқаради. Қувонарлиси, ушбу финалга тенг ҳақонли баҳс 14 март кuni Тошкент шаҳрида ўтказилади. Бу футболчиларимизга қўшимча куч — кўтаринки руҳият ва ғолибона кайфият бағишласа, ажабмас.

**ЗОҲИДЖОН ХОЛОВ,**  
**"Ma'rifat" муҳбири**

# САНДИҚ – ХОНАДОН КЎРКИ

## Qadriyat



Сандиқ, қути ва қутичалар қадим замонлардан буён муҳим рўзғор буюми сифатида одамларга хизмат қилиб келмоқда. Бундай буюмлар ҳар қайси миллатга хос бўлиб, ҳар бири ўзгача кўриниш касб этасан, чинор дарахтидан ясаган бўлса, Хитойда сандал дарахти асосий хомашё саналади.

Сандиқ ва қутилар сифатли қуритилган ёнғоқ, қайрағоч, чинор, терак, ўрик дарахтидан ясалади. Устига, олд томонига юпқа тунокалар қолашиб, сирланиб, нақш туширилади. Майда, нозик миҳчалар қоқилиб, чакисимон нақшлар ҳосил қилинади. Уларга бежирим оёқча ва қулф ўрнатилиб, калит билан очилади. Икки томонидаги банди қўлга ботмайдиган Қўқон симидан ясалади. Ён ва орқа тарафи кўзга ташланмасида, ҳаворанг бўёқ суртиш мақсадга мувофиқдир. Тахталари зич, ҳаво кирмайди, зах ўтказмайди. Кийимкечак, турли хил буюмлар узоқ вақт сифатли сақланади. Жуда кўп адабий, маданий мерос намуналари бизга сандиқ, қути ва қутичалар орқали етиб келган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,  
санъатшунос



Илгари қиз чиқарган, ўғил уйлантирган ҳар бир оилада, албатта, сандиқ ва қути бўлган. Бугун ҳам қиз сепининг асосий буюмларидан бири сандиқдир.

Қадимда сандиқ, қути ва қутичалар бир жойдан бoshqa хуудга кўчаётган кishиларга туя, от-арава, эшакларда қутиларни ортиб

кетиш ўнғай бўлган. Энг муҳими, синиши мумкин бўлган буюмлар айнан сандиқ ва қутиларда олиб юрилган. Уларда китоб ва ҳужжатлар бешикаст сақланган. Қадимий амалий санъат намунаси бўлмиш XIX-XX аср сандиқ ва қутилари, асосан, музейларда сақланиб қолган.

таш мақсадга мувофиқдир. Тахталари зич, ҳаво кирмайди, зах ўтказмайди. Кийимкечак, турли хил буюмлар узоқ вақт сифатли сақланади. Жуда кўп адабий, маданий мерос намуналари бизга сандиқ, қути ва қутичалар орқали етиб келган.

реклама \* реклама \* реклама \* реклама \* реклама \* реклама \* реклама \* реклама

«STEEL PANTERA» МЧЖ ЯНГИ АУДИО-АЛЬБОМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Гафур Фуломнинг «Шум бола» асари ҳамда «Ўзбек халқ эртаклари» аудио-альбомини сотувга чиқарди. Мазкур аудио-альбомларни «OSCAR» дўконлар тармоғидан харид қилишингиз мумкин. Аудиокитобларни куйидаги телефон орқали сўранг:



(+99871) 245-70-86

## Ma'rifat

### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, сан ва маданият ходимлари касба uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-218.  
Tiraj 56150.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib boshish tahriyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahriyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahriyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-lunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Lilya BINASHEVA.  
Nabatchi muharrir:  
Nasiba ERXONOVA.  
Nabatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzil: «Biyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА акун — 21.35  
Toshirildi — 22.40